

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

ХАМРАЕВ ЭЛБЕК СОАТҚУЛОВИЧ

**ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МОЗОР ВА
ҚАБРИСТОНЛАРНИНГ АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИК СИФАТИДАГИ
АҲАМИЯТИ**

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

ИЛМИЙ РАҲБАР:

Катта ўқитувчи

Шоназаров Ш.Б

Тошкент-2013

МУНДАРИЖА

Кириш

I БОБ. Ўрта асрлар даври Қашқадарё вилояти мазор ва қабристонларининг тарихшунослиги ва ўрганилиш тарихи.

1.1. Мазор ва қабристонлар тўғрисидаги ёзма манбалар таҳлили.

1.2. Қашқадарё вилояти мазор ва қабристонларининг археологик ўрганилиш тарихи.

II БОБ. Қашқадарё вилоятининг ўрта асрлар даври мазор ва қабристонларининг тарихий-топографик шарҳи.

2.1. Шарқий Қашқадарё ўрта асрлар даври мазор ва қабристонларининг тарихий-топографик шарҳи.

2.2. Қарши воҳаси ўрта асрлар даври мазор ва қабристонларининг тарихий-топографик шарҳи.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
ИЛОВА

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақиллиги даврида тарихий ҳақиқатни тиклаш, маънавиятни юксалтириш, миллий қадриятларни ривожлантириш соҳасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бизнинг монументал санъат соҳасида амалга оширган яна бир улкан ишимиз табаррук заминимизда туғилиб вояга етган ва мангу ором топган буюк азиз авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо этганимизда намоён бўлди. Жумладан, Бухорода Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқандда Имом Бухорий ва Имом Мотуридий, Марғилонда Бурхониддин Марғиновий, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуаларини яратдик. Халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирган, бугунги кунда том маънода муқаддас зиёратгоҳларга айланган бундай мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади”.¹

Бундай табаррук зотларнинг ҳаёт ва фаолияти билан боҳлиқ муқаддас зиёратгоҳлар тарихини ўрганиш ҳам аҳамиятлидир. Ислоҳ маданияти ва тарихини акс эттирган тарихий обидалар Қашқадарё воҳасида ҳам асрлар мобайнида авайлаб асраб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида «Ўзини узоқ ва бой ўтмиш давомида гоҳ Никшапа, гоҳо Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кўҳна Қарши шаҳри тарих ва башарият учун, аввало, бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, кўп - кўп улуғ сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз авлиёларни ватани сифатида қадрли ва муқаррамдир»²- деб таъкидлаб ўтадилар.

¹ Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. 2008. 155-156 бетлар

² Каримов И.А. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 2006 йил 27 октябрь // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15.- Т.: Ўзбекистон, 2007.-Б.70.

Қашқадарё вилоятининг Ғузур туманидаги Мири Жанда ота, Мусофир ота, Қамаши туманидаги Мушкул ота, Косон туманидаги Исахон ота, Аллаёр эшон, Китоб туманидаги Қабри Охун ота, Чирокчи туманидаги Кўк тош ота, Кўктунли ота, Ҳаким ота, Қарши туманидаги Етти туғ ота, Шайх Шиблий, Касби туманидаги Насафийлар қадамжоси, Муродбахш ота, Яккабоғ туманидаги Қура шайх, Тутак ота каби табаррук масканлар ободонлаштирилмоқда.³

Қашқадарё воҳасида ҳам йирик муқаддас зиёратгоҳлар сони анчани ташкил этади. Шаҳрисабз шаҳридан Оксарой, Доруссаодат, Доруттиловат, Мавлоно Ҳожагий Имконагий, Китоб туманидаги Ҳазрати Бешир, Қамаши туманидаги Катта Лангар, Қарши шаҳридаги Кўкғумбаз, Одина, Абу Убайдуллох ибн ал-Жаррох, Қарши туманидаги Ҳазрати Имом Муъйин, Касби туманидаги Султон Мирҳайдар, Косон туманидаги Хусам Шайх, Муборак туманидаги Абдуллох ибн ал-Муборак Марвазий зиёратгоҳлари шулар жумласига киради.⁴

Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларининг 2700 йиллиги муносабати билан воҳадаги зиёратгоҳлар қайтадан таъмирланганлиги туфайли уларни зиёрат қилувчилар сони тобора ошиб бормоқда. Бу обидалар маҳаллий аҳоли доимий равишда зиёрат учун борадиган муқаддас қадамжолар, рухий покланиш ҳамда маънавий юксалиш масканлари ҳисобланади.

Мустиқиллик йилларида табаррук алломалар ва авлиёлар тарихини ўрганиш масаласида амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар, ислохотлар, қабул қилинган кўплаб фармонлар, қонунлар, фармойишлар ва қарорларнинг моҳияти, мазмуни илмий таҳлил этилиши натижасида мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ижобий ишлар тарихий-маънавий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда.

³ Шаропов Ш., Меликов Б. Қашқадарё вилояти ҳудудидаги муқаддас зиёратгоҳларни ўрганишнинг бугунги аҳамияти. //Насаф ва Кеш тарихи манбаларда. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Қарши. 2010. 133-134 бетлар.

⁴ Райҳонов И. Қашқадарё воҳаси аҳолиси маънавий ҳаётида муқаддас зиёратгоҳларнинг ўрни. //Насаф ва Кеш тарихи манбаларда. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Қарши. 2010. 130-131 бетлар.

Шундай қилиб, юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳлар, мақбаралар, Шу муносабат билан муқаддас зиёратгоҳлар тарихини чуқур билиш, мазкур қадамжоларнинг тарбиявий-маънавий салоҳиятини янада ошириш давр талаби бўлиб қолмоқда. Қашқадарё воҳаси муқаддас зиёратгоҳлари тарихини ўрганиш, бу зиёратгоҳларнинг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини илмий тадқиқ этиш ниҳоятда долзарб бўлиб қолмоқда.

Илмий ишнинг мақсад ва вазифаси. Қабртош ёдгорликлари тарихини ўрганиш мақсадида тақдим этилаётган имий ишнинг муаллифи Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги мазор ва қабристонларида топиб ўрганилган қабртош ёдгорликлар ҳақидаги маълумотларни ўрганиб, илмий жиҳатдан тадқиқ этиш вазифасини ўз олдига қўйди.

Тадқиқотнинг асосий манбалари. Илмий ишда ПТКЛА, КАТЭ маълумотлари, илмий ҳисоботлар ва илмий адабиётлар, ЎзМУ археология ва этнография кафедраси тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган археологик тадқиқотлардан фойдаланилди.

Ишнинг илмий янгилиги. Қашқадарё вилоятида жойлашган мазор ва қабристонларнинг географик ўрни ва тарихини ёритиш масаласи илгари сурилди. Бу ҳудуднинг қабристон ва мазорлари тарихига илк бор мулоҳаза билдиришга имкон берди. Тадқиқот жараёнида мазор ва қабристонлар тарихига аҳолидан ахборот йиғиш ҳамда шахсий кузатувлар воситасида ҳам маълумотлар олинди.

I БОБ. Ўрта асрлар даври Қашқадарё вилояти мазор ва қабристонларининг тарихшунослиги ва археологик ўрганилиш тарихи

1.1. Мазор ва қабристонлар тўғрисидаги ёзма манбалар таҳлили

Ўрта аср ислом оламида муқаддас жойлар тарихини ўрганиш анъанаси кенг тарқалган. Хусусан, бир нечта ёзма манбалар Мовароуннахр мазорлари тарихини ёритишга бағишланган. Мазкур асарларда йирик маданий марказлар - Бухоро ва Самарканд шаҳарлари ҳамда уларнинг атрофидаги кадамжолар тарихи, уларнинг географик ўрни акс эттирилган. Бухоро зиёратгоҳдари тўғрисида XV аср муаллифи Аҳмад бин Махмуд "Тарихи Муллоийзода", XVI аср муаллифи Хасанхожа Нисорий "Музакири ахбоб", XIX-XX асрда яшаб ўтган Носируддин Ханафи ал - Бухорий эса "Тухфат уз зойирин" каби асарларини ёзишган. Самарканд шаҳри, шунингдек бу ернинг мазорлари ҳақида Абу Тохир Хожанинг "Самария" асарида баён қилинган.

Қашқадарё мазор ва қабристонларни ўрганиш эпиграфик ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи билан боғлиқ бўлиб 1870 йиллардан бошланди. Рус шарқшуноси А.А. Кун ўз олдида маҳаллий тилларда ёзилган кўплаб китоб, қўлёзма асарлар ва ҳужжатларни тўплашни мақсад қилиб, Шаҳрисабз беклигида бўлган эди. А.Л. Кун томонидан Шаҳрисабзда жойлашган мазор ва қабристонлар ўрганилиб чиқилади. Шаҳрисабз ва унинг атрофида жойлашган қабристонларда сақланиб келинаётган қабртошлар унинг томонидан илк маротаба рўйхатга олинади, улардан нусха кўчириб олинади ва тадқиқ қилинади⁵.

У шаҳарнинг Гумбази Сайидон, Ҳазрати Имом меъморий обидаларидаги ўрта асрлар битиклари ва бу ердаги қабртош ёзувлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Унинг илмий аҳамиятга молик ишларидан энг муҳими Гумбази Сайидон мақбараси ичидаги тўрт қабртош ҳақидаги маълумотдир. Мазкур ёдгорликлардан учтасида ёзувлар борлиги хусусида сўз юритган А.А. Кун уларда қайд этилган исмларни келтирган. Шу билан

⁵ Кун А.А. Очерки Шахриябского бекства. //Записки императорского Русского географического общества. СПб., 1886. Т.VI. с. 207.

бир қаторда у қабр соҳибларининг вафот этган санасини ҳам қайд этади. А.А. Кун Гумбази Сайидон ичида жойлашган марқад тош ёзувларни аниқлаш ва таржима қилишда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилишига қармасдан, у Шаҳрисабздаги қабртош ёзувларни ўрганишга илм аҳли орасида биринчи бўлиб йўл очди.

XIX аср охири XX аср бошларида Шаҳрисабзга яна бир тадқиқотчи ташриф буюриб, у бу ердаги меъморчилик обидалари, улардаги ёзма битиклар хусусида тўхталган. Бу Н.Ф. Ситняковский эди. У Сайид Абул Маолининг мақбараси ҳақида маълумот бериб, мақбарада ёзувли қабртошлар мавжудлигини ёзган. Унинг гувоҳлик беришига қараганда, ёзма битигли уч қабртош Сайид Абул Маоли ва унинг авлодларига тегишли⁶. Шу билан бир қаторда ёзувсиз тўртинчи қабртош тўғрисида тўхталиб, унда фақат шифо топиш мақсадида фойдаланилаётганлигини қайд этади.

А.А. Кун томонидан айрим хато ва нуқсонли ўқилган Гумбази Сайидон ичидаги энг мукамал қабртош XIX аср охири XX аср бошларида М.С. Андреевнинг қайта текшириши ва аниқ ўқиши натижасида тўғриланиб асл ҳолича ўқилди⁷. А.А. Кун қабртошда Абул Маолий деб ўқиган исмни А.С. Андреев Абул Маолий деб тузатган.

Гумбази Сайидон қабртошлари XX асрнинг биринчи чорагида бу ердаги меъморчилик обидаларини тадқиқ қилишга келган архитектор Б. Засыпкин эътиборидан ҳам четда қолмади. Юқорида зикр қилинган 4 қабртошдан учтасида ёзувнинг сақланганлигини ва унда битилган қабр соҳибларини исми-шарифини ҳам ёзиб қолдирган. У бу исмларини А.А. Кун маълумотлари асосида ёзади. Ёзувсиз тўртинчи қабртошни маҳаллий аҳоли ахборатига мувофиқ у Амир Тарағайга мансуб бўлса керак деб таъкидлайди⁸.

⁶ Протоколы Туркестанского Круга Любителей Археологии. 1900. V. –1899-1900, II.XII. II. XII. 1900. С. 36.

⁷ Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шаҳрисабз при Тимуре и Улугбека.//Труды САГУ, Археология Средней Азии. – Т., САГУ, 1953. С. 63.

⁸ Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии.//Проблемы исследования и реставрации.-М., 1928. С.62.

Таниқли шарқшунос олим А.А. Семеновнинг айрим илмий мақолаларида Шахрисабздаги Амир Темир даврининг муҳим обидаси “Гумбази Сайидон” ҳақида тўхталиб, унинг негидир “Гумбази Сайид-Абдуллоҳ олий” деган ном билан юритган. У, илгари эслатиб ўтилгандек, ўша қабртошларни қайд этиш билан бир қаторда, улардаги ёзувлар тўғрисида ҳам гувоҳлик беради⁹.

⁹ Семенов А.А. Материальные памятники иранской культуры в Средней Азии. Сталинабад. Дониш. 1944. С. 36.

1.2. Қашқадарё вилояти мазор ва қабристонларининг археологик ўрганилиш тарихи

1940-50 йилларида М.Е. Массон Шахрисабз шаҳрининг Амир Темир ва Улуғбек даври тарихини ёритишда бу ердаги барча ёзма ёдгорликларда мурожат қилган. У XV асрнинг қабртош ёзувлари ҳусусида тўхталиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган. Масалан, М.Е. Массон XV асрнинг мармар қабртошларида нақш-безакларининг ниҳоятда моҳирлик билан ўйиб ишлангани ва уларда тарих учун муҳим бўлган маълумотлар сақланганини ёзади. Олим XV-XVII асрларга келиб XV аср қабртошларининг кўпчилиги синдирилганлигини ва улардан айрим бўлақларгина сақланганлигини аниқлаган. Баъзи қабртошларнинг эса ёзувлари ўчирилиб, ўрнига бошқа шахснинг исми битилганлигини кузатган. Бу ерда бутун ҳолича сақланган чиройли нақшга эга, нафис ёзувли амир Иброҳим Султон қабртоши тўғрисида биринчи бўлиб маълумот берган¹⁰. Шу билан бир қаторда у А.А. Куннинг таржималари ҳамда ахборотларида қайд қилинган камчилик ва нуқсонларни кўрсатиш билан бир қаторда, янги далилларни ҳам келтирган¹¹. “Гумбази Сайидон”даги катта аҳамиятга эга Абул Маолининг қабртош ёзувлари М.Е. Массоннинг ҳам эътиборини ўзига қаратди. Олим бу шахснинг қабртош битиги ҳақида сўз юритар экан, у Термиз саййидларининг йирик вакилларидан бири эканлигини ёзади М.Е. Массон яна қатор қабртошларнинг бу ерда жойлашганлигини қайд этади. Бу қабртошлар XV, XVI ва XVII асрларга оид бўлиб, унинг уқтиришича улар Гумбази Сайидон билан алоқадор эмас.

Шахрисабз меъморчилик обидаларининг шаклланиши тарихи билан шуғулланган Х.Т. Султонов кейинги ўн йилликларда юқоридаги масалани ойдинлаштириш мақсадида археология, меъморчилик тадқиқотлари билан бир қаторда эпиграфик маълумотлардан ҳам кенг фойдаланди¹². Тадқиқотчи

¹⁰ Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбека.//Труды САГУ, Археология Средней Азии. – Т., САГУ, 1953. С. 62.

¹¹ Шу ерда.... 63 б.

¹² Шахрисабз. Часть 2. –Т.: Университет, 1993., с.126

Гумбази Сайидонда дафн этилган деб тахмин этилган шахслар ҳақида фаразлар киритишда барча соҳа маълумотлари билан тарихий ёзма манбаларни ҳам солиштиради. Бунда биз масалани ойдинлаштиришга ҳисса қўшган эпиграфика соҳасининг мутахассиси Б. Бобожонов ва унинг устози М. Раҳимхоновларнинг ҳам номини тилга олишимиз керак¹³.

Шарқий Қашқадарёнинг бошқа районларида мавжуд эпиграфик ёдгорликларни ўрганиш бизнинг давримизда амалга оширилган. Жумладан, Китоб райони ҳудудида жойлашган Хожа Илмкон меъморий-ёдгорлик мажмуасидаги хонақоҳ ва унга яқин жойлашган катта даҳма ҳақида Л.А. Маньковская сўз юритиб, даҳма устида ўрнатилган ўйма ёзуви бор оқ мармар стела ва қабртош борлигини маълум қилади¹⁴.

Чироқчи районининг Эски Лангар мозори тўғрисида М.Е. Массон Кеш вилояти шайхларига бағишланган мақоласида алоҳида тўхталиб ўтган¹⁵. Бу ерда мавжуд икки мақбара ва улар ичидаги сағаналар ҳақида сўз юритган олим, меъморий иншоотларида битиклар йўқлигини алоҳида қайд этиб ўтади. М.Е.Массон мозордаги қабр тошларни кўздан кечирар экан, уларнинг энг қадимийси XV-XVI асрларга оид деб хабар беради. Бундай қабр тошлар синдирилган ҳолатда шарқий мақбара ичидан келтирилиб, шу ерга қўйилганлиги аниқланган. Алоҳида бўлақларга ажратилган мазкур қабр тошлардан учтаси бир-бирига яқин қўйилиб ундаги исмлар ўқилган. Бу Эски Лангарнинг шайхларидан саналган Шайх ал Зоҳид ибн Ҳазрат Азиз Шайх ибн Шайх Аббос Боқи ал-Ишқийнинг қизига қўйилган қабртош эканлиги аниқланган. Шу мозордан ғарб тарафда жуда усталик билан ишланган чиройли қабртошнинг XV асрга тааллуқли эканлиги аниқланиб, унинг ҳар иккала кўндаланг қисми битиклари XVII асрда уриб ўчирилганлиги ва бошқа

¹³ Аминов Б., Бабаджанов Б. Погребальная эпиграфика комплексов Гумбази-Сайидон и Хазрати Имам (г.Шахрисабз) //Узбекистон қадимда ва урта асрларда. Маърузалар баёни.-Самарканд. 1992. С.95.

¹⁴ Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи.-Т.: Узбекистан. 1971. С. 12.

¹⁵ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша.//Труды САГУ. Археология Средней Азии.-Т., Вып. VII. 1966. С.64.

шахсининг исми битилганлиги М.Е.Массоннинг синчковлик билан кузатуви натижасида маълум бўлган¹⁶.

Катта Лангар ота номи билан машхур Қамаши районининг тоғли қисмидаги мазор Қашқадарё вилояти ва унга қўшни ҳудудларда ном қозонган қадамжоларда ҳисобланиб, у тасаввуф масаласига янги маълумотлар ҳам беради. Буларга далил эса бу ердаги ёзма ёдгорликлар-қабртош ёзувларидир.

Р.Р.Абдурасулев ва Л.И.Ремпельнинг Катта Лангар меъморий обидаларига бағишлаб ёзган мақоласида қабрлар устига ўрнатилган мармар стелалардаги ёзувлар бу ерда кимлар қўмилганлигини акс этиши маълум қилинган¹⁷. Д.Г.Вороновский стеладаги ёзувларни ўқиб, уларнинг хронограммасида жиддий хато қилган. Бунда Катта Лангарнинг шайхи Муҳаммад Содиқнинг вафоти 1492 йил деб қаралган. Муҳаммад Содиқнинг отаси ва бобосининг қазо қилган йиллари А.Л.Қозибердов томонидан ўқилганда ҳам хатолик чиққан¹⁸. Кейинроқ М.Е.Массон Катта Лангар шайхларига бағишланган ўз тадқиқотида номлари зикр этилган табаррук кишиларнинг вафот санасини аниқ чиқаришга муваффақ бўлди¹⁹. М.Е.Массон Катта Лангар мазори ҳақида сўз ёзиб, мазкур меъморий ёдгорлик ичидаги майдоннинг асосий қисмини 5-дона қабртош ишғол этганлигини маълум қилади. Улардан уч қабртош анча ҳашамдор ва дабдабали бўлиб, бир хил услубдаги битикларга эгаллиги таъкидланади. Мана шу уч қабртошнинг бош тарафида эса мармардан тайёрланган йирик стелалар ва уларда араб ёзувида матнлар битилганлиги археолог олимнинг мақоласида қайд этилган. Мазорнинг ичидаги яна икки қабртош ҳақида сўз юритиш билан бирга М.Е.Массон мазорнинг турли жойларида, унинг яқинида XV-XVI асрда яшаган амирларнинг фарзандларига қабртошлар қўйилганлигини

¹⁶ Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбека....с.71.

¹⁷ Абдурасулев Р.Р., Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. //Искусство зодчих Узбекистана. – Т., 1962. С. 32.

¹⁸ Шу ерда....38 б.

¹⁹ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша....с.49.

ҳам ёзган²⁰. Унинг кузатувларидан бу ерда XVII-XVIII асрга мансуб қабртошлар борлигини билиб оламиз.

Катта Лангар мазоридаги қабртошларни ўрганиш жараёнидан Ишқийа шайхларининг насабномасини М.Е.Массон тузиб чиққан. “Бироқ у тўлиқ эмас ва кенгроқ тадқиқот бўлишини талаб этади” деб ёзади Б.Б. Аминов²¹. Шунга қарамай М.Е.Массон қабртош битикларидаги маълумотлар асосида тасаввуфнинг Ишқийа тариқати ҳақида биринчи бўлиб маълумот берган олимдир²². 1960-1970 йиллар орасида Катта Лангарнинг меъморий-ёдгорлик дастаси устида тадқиқот ишлари олиб борган Л.А. Маньковская ҳам қабртош ёзувларига алоҳида урғу бериб ўтган²³. 1980 йилларнинг охирларида Катта Лангар мазоридаги ёзма ёдгорликларни ўрганишга тадқиқотчи Б.Бобожонов киришди. Бу ердаги қабртош ёзувларини тадқиқ қилиш, синчиклаб ўрганиш оқибатида у Катта Лангар шайхларининг генеалогияси ва уларнинг вафот санасини аниқлаб янги далилларни маълум қилди. Айниқса, у Ишқийа тариқати тарихига оид фикрларини тасаввуфга бағишланган илмий мақоласида баён қилган²⁴.

1990 йилдан бошлаб, Тошкент Давлат Университети археология ва этнография кафедраси қошида ташкил этилиб фаолият кўрсатган “Ўзбекистонда этник жараёнлар” мавзусида иш юритган илмий гуруҳнинг дастурига Қашқадарё вилоятининг тоғ олди ва тоғли районларидаги эпиграфик ёдгорликларни йиғиш, илмий жиҳатдан ўрганиш вазифаси ҳам кўйилди. Дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун гуруҳга Б.Б. Аминов бошчилик қилди. Мазҳкур дастурга мувофиқ 1990-1995 йиллар орасида Қашқадарё вилоятининг Шахрисабз, китоб, Яккабўғ, Чироқчи, Қамаши, /узор районлари территориясида мавжуд эпиграфик ёдгорликларни

²⁰ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша.... С.92.

²¹ Б.Б. Аминов Жанубий Узбекистон эпиграфик ёдгорликлари тарихий манба сифатида (XV-XX асрлар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. 1998. 10 б.

²² Б.Б. Аминов., Бабаджанов Б. Погребальная эпиграфика комплексов Гумбази-Сайидон и Хазрати Имам (г.Шахрисабз)...с.96.

²³ Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьис. 30.

²⁴ Бабаджанов Б.М. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма. //Из истории суфизма.-Т.,1991. С.90.

излаб топиш, нусха кўчириш ва тадқиқот ишлари амалга оширилди. Гуруҳ дастурининг бош мақсади эпиграфик ёдгорликларда сақланиб қолган ва тарихимизда ханузгача номаълум фактларни аниқлаб уларни илм доирасига киритишдан иборат бўлган. Бу давр ичида гуруҳ Қашқадарё вилоятининг тоғ олди ва тоғли ҳудудларида жойлашган мазор ва қабристонлардан XV асрдан XX аср бошларига оид 130 дан ортиқ қабртошлар рўйхатга олинади ва тадқиқ этилади. Б.Б. Аминов томонидан илк бор Шарқий Қашқадарё қабртош ёдгорликлари тўлиқ жамланиб, хронологик тарзда илмий жиҳатдан яхлит ўрганилиб чиқилган.

Б.Б. Аминовнинг қабртош маълумотлари асосида олиб борган тадқиқоти Шарқий Қашқадарёнинг ўрта асрлар даври маъмурий-бошқарув бўғинларидаги унвон ва мартабалари, этник тарихи, хўжалик-маданий ҳаётининг айрим соҳаларини кенгроқ ёритиб берган дастлабки илмий тадқиқотлардан ҳисобланади. Унинг тадқиқотини яна бир вазифаларидан бири Қашқадарё вилояти тоғ олди ва тоғли ҳудудлари қабртош матни ижодкорларининг саводхонлик даражаси, тили, сангтарошлик ва хаттотлик санъатини ўрганиш эди.

Б.Б. Аминов қабртош битиклари асосида Шарқий Қашқадарёнинг XV асрдан XX асргача юз берган турли тарихий-маданий жараёнларини ёритиб берган. У томонидан ўрганилган ҳудуднинг қабртош битиклари муайян тизим асосида ўрганилган. Илк маротаба Шарқий Қашқадарё вилоятининг мазор ва қабристонларининг тарихий-топографик шарҳи, қабртошларнинг турлари, шакллари ҳамда уларда битикларнинг жойлашув тартиби хусусида маълумот бериб ўтади²⁵.

Сўнгги йилларда қабртошларни ўрганишдаги олиб борилган кенг қўламли тадқиқотлар 2001-2004 йилларда Ўзбекистон Миллий Университети “Археология” кафедрасининг профессори Р.Ҳ. Сулейманов ташаббуси билан тузилган гуруҳ аъзолари томонидан амалга оширилди. Гуруҳга тадқиқотчи

²⁵ Аминов Б. Жанубий Ўзбекистон эпиграфик ёдгорликлари тарихий манба сифатида. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация. Т.1998.13 б.

Шоназаров Ш.Б. бошчилик қилди. Гуруҳ аъзолари (гуруҳ ишларининг кейинги фаолиятида илмий ишнинг муаллифи ҳам иштирок этган) томонидан маълум бир даврда Қарши воҳасининг эпиграфик ёдгорликлари жойлашган ўрта асрлар мазор ва қабристонлари ўрганилиб, ҳозиргача сақланиб келинаётган қабртошларни излаб топиш, рўйхатга олиш, нусха кўчириш, фотосуратларини олиш ва улар жойлашган мазор ва қабристонларни тарихий-топографик шарҳини бериш, классификация қилиш ишлари амалга оширилди²⁶.

Қарши воҳасидаги ўрта асрлар мазор ва қабристонлар тадқиқ қилиш, синчиклаб ўрганиш оқибатида маъмурий бошқарувга хос ижтимоий қатламларни англатувчи марказларни аниқлаш, даврнинг этник жараёнлари ва этник географияси хусусида маълумотлар тўплаш каби вазифалар амалга оширилади²⁷.

²⁶ Шоназаров Ш.Б. Отчет о эпиграфических памятниках Каршинского оазиса осенью 2001 (с 8 октября по 20 октября). Т., 2001.

²⁷ Шоназаров Ш.Б. Классификация надгробных камней XV-XIX вв. (по материалам Каршинского оазиса). //Узбекистон тарихи. I. Ташкент, “Фан”. 2003. С. 11-15.

II БОБ. Қашқадарё вилоятининг ўрта асрлар даври мазор ва қабристонларининг тарихий-топографик шарҳи

2.1. Шарқий Қашқадарё ўрта асрлар даври мазор ва қабристонларининг тарихий-топографик шарҳи

Шарқий Қашқадарё - вилоятнинг юқори қисмида жойлашган бўлиб, аҳолиси қадим замонлардан суғорма деҳқончилик билан шуғулланган. Ўрта асрларда битилган араб ёзма манбаларида “Каш, Кишш”, “Кас, Кос”, “Кис, Кисс” шаклларида тилга олинган. Қадимги Хитой солномаларида эса “Сушие”, “Циши” ёки “Сусе” тарзида ҳам учрайди.²⁸

Кеш номи билан келтирилган бу вилоят худуди Зарафшон тизма тоғининг жанубий ёнбағрларидан бошланиб, ҳозирги Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғузор ва Ўрадарё воҳаси ерларини ўз ичига олганлиги қайд этилган. Унинг маркази Шаҳрисабз-Китоб воҳасидан иборат бўлган.

Шарқий Қашқадарёнинг ўрта асрлар даври мазор ва қабристонларнинг сони 34 та бўлиб, уларни 13 таси мазор ва 21 таси қабристонлар ҳисобланади.²⁹

Қуйида Шарқий Қашқадарёнинг ўрта асрлар даври мазор ва қабристонларининг айримларини тарихий-топографик шарҳини бериб ўтамыз.

Дор ут-тиловат ёдгорлик-меъморий мажмуаси. Шаҳрисабздаги Дор ут-тиловат ёдгорлик-меъморий мажмуасида Гумбази Саййидон номи билан машҳур гумбазли иморат жойлашган. У 1437 йилда ҳукмдор ва машҳур астроном Мирзо Улуғбек(1394-1449й) амри билан Пайғамбар авлодлари даҳмаси учун бунёд этилган. Шу сабабдан бўлса керак бу мақбара кейинги даврдаги изланишлар оқибатида “Авлод-и муборак” номини ҳам олди. У Шамсиддин Кулор ал-Фахури мақбарасига жануб томондан туташиб туради ва ташқи тузилишига кўра Мирзо Улуғбек даврида Самарқанддаги Шоҳи

²⁸ Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М.-Л., 1950. С. 76.

²⁹ Аминов Б. Жанубий Ўзбекистон эпиграфик ёдгорликлари тарихий манба сифатида. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация. Т.1998. 14 б.

Зинда мажмуасида қурилган меъморий ёдгорликларга монанд. Мажмуанинг ғарбий томонида, Гумбаз-и саййидон биносининг рўпарасида эса Шаҳрисабзнинг Кўк Гумбаз жомеъ масжиди жойлашган.

Гумбаз-и саййидон Шаҳрисабз шаҳрида истиқомат қилган ва вафот этган Термиз саййидлари хонадони вакиллари учун мақбара сифатида бунёд этилган. Термиз саййидлари қабрлари ва мақбараларининг Шамсиддин Кулор ал-Фахури сағанасига яқин жойлашганлиги мантиқий маънога эга. Чунки саййид Шамсиддин амир Кулор ал-Фахури термиз саййидларидан худовандзода А'ла ал-Мулкнинг ўғли эканлиги тахмин қилинади³⁰. Гумбаз-и саййидон мақбараси Шамсиддин Кулор мақбарасининг ғарб томонига туташ ва унга Шамсиддин Кулор мақбараси эшиги орқали кирилган. Мақбаранинг юқори қисми шикастланганлиги учун 1980-1982 йиллари қайта тикланиб таъмирланган ва бу ишлар сифатли қилинмаган³¹.

Мақбара ўлчамлари жиҳатдан ҳам Шоҳи-Зиндадаги Улуғбек қурган ёдгорликларга яқин. Ички қисми турли нақшлар, ҳар хил безаклар билан безатилган.

Гумбаз-и саййидоннинг мақбараси ичида асосан 4 дона турли ўлчамдаги сандиксимон сағана тошлари мавжуд бўлиб, улар пишиқ ғиштдан тикланган саҳн устида туради. Саҳндан шимол томонда қабрлар бор ва улар устида тош қўйилмаган. Гумбаз-и саййидон қабртошлари ўз ҳолатига кўра турлича. Сақланиши қониқарли, айримлари анча емирилган ва китобаларини ўқиш мураккаб. Уларнинг сиртига тарихий битиклар битилган.

Қабртошлари қўйилишидан олдин ҳам бу мақбара ичида термиз саййидларининг олдинги авлод-аждод вакиллари бу ерда дафн этилганлиги эҳтимол қилинади. Чунки мақбара ичига қўйилган дастлабки қабртош Мирзо Улуғбек ўлиmidан кейин бу ерга қўйилган.

Ҳозирги вақтда Гумбаз-и саййидон мақбараси ичидаги ва унинг атрофидаги қабртошлар ўрганилаяпти. Уларни ўқиш, уларда битилган

³⁰ Жалолiddин Мирзо. Термиз саййидлари, Самарқанд-Термиз, 2001 й., 11 б

³¹ Ҳаққулов А. Кўрс. асар, 77 б.

тарихий далиллар, шахсларни ўрганиш келажакда тарихимизни бизга номаълум жиҳатларини очиб беришга хизмат қилади. Айниқса Термиз саййидлари генеалогиясини реконструкция қилиш учун бирламчи манба бўлиб хизмат қилади.

Дор ус-Сиёдат- (“Саййидлар уйи”) – Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (1379-80). Амир Темур қурдирган. XIX-XX аср бошларида қисман таъмирланган. Фарзанди Жаҳонгирмирзо мақбараси (Ҳазрати Имом мақбараси) ва Амир Темурга мулжалланган ер ости гўрхонаси сақланиб қолган. Дор ут-тиловат билан бир ансамблни ташкил этган. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” сида ёзилишича, Амир Темур Шаҳрисабзда махсус бино қурдирган, унга уз уғли Жаҳонгир ва бошқа амалдорлар ҳамда бузрукворларнинг даҳмалари қуйилсин деб фармон берилган. Дор ус-сиёдат тархи Яссавий мажмуасига ухшаш, асосий ғарбий тарзи девори 20 м кенгликда бўлиб, кириш йули Худайхона, ундан қоқ уртадаги Амир Темурга мулжалланган ер ости сағанаси жойлашган бинога олиб боради. Хонанинг муюлишидаги узун йўлакдан ён хоналарга ўтилган. Бу хоналар ошхона, маиший, кутубхона, меҳмонлар турадиган хужралар бўлган деб тахмин қилинган. Жаҳонгир мақбараси Ҳазрати Имом мақбараси номи билан машҳур. Ислоҳ дунёсида йирик олим ҳисобланган, Эронда вафот этган қуфалик Имом Муҳаммад Ибн ал-Ҳасан ибн Воҳид Абул Абдуллоҳ Шайбоний хоки Амир Темур томонидан Шаҳрисабзга қучирилган.(1384) деган ривоятлар бор. 1868-69 йилларда ўрнатилган мақбара эшигида Ҳазрати Имом номи уйиб ёзилган. Мақбара ичкараси мурабба тархли, юза равоқлари ва гумбаз ости бағоллари муқарнас билан тўлдирилган. Ташқарисида 16 қиррали гумбаз устига баланд қулоҳий гумбаз ўрнатилган. Бу меъморий услуб Хоразм меъморчилигига хос бўлиб, қурилишда хоразмлик усталар қатнашганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ичкарида бағаллар остига зангори бўёқ билан “Доно киши буюк мақсадлар билан ҳаракат қилади, тентак одам юксак мақсадни тутиб боради” деган маънодаги уғитлар ёзилган. Тарзлари сиркор ғишчалар билан қопланган. Жануби-ғарбий бурчагидаги минора

сақланган. XIX аср урталарида мақбара ёнига синчкор катта айвон хужралар ва гумбазли хонақоҳ —жоме масжиди барпо этилган. Масжид қурилиши вақтида Амир Темурнинг ер ости гурхонаси қуббаси очилган.

Ҳазрати Имом мақбараси. Шаҳрисабз (XIV аср). Дор ус-сиёдат меъморий ёдгорлиги таркибидаги Жаҳонгир мирзо мақбараси . Ҳазрати Имом мақбараси номи билан машҳур. Дастлаб сардоба, кейинроқ тўртбурчак тархли зиёратхона тикланган. Ташқи томонида кичик пештоқ ҳам бўлган. 1384 йилда Амир Темур авлиё Муҳаммад Шайбонийнинг хокини келтириб Доруссиёдатга, ўғли Жаҳонгир қабри олдида дафн эттирган. Амир Темур кўрсатмаси билан хоразмлик усталар баланд бино барпо этганлар. Муҳаммад Шайбоний мусулмон оламида "Ҳазрати Имоми Бағдодий "номи билан машҳур бўлган. Мажмуага Амир Темур ўзи учун катта хилхона қурдирган. Мажмуанинг улкан арк ва деворлари, ўн олти қиррали асосга қурилган гумбазлари қимматбаҳо тош ва шишалардан ишланган нақшинкор безаклар билан безатилган.

1870-йилда рус шарқшуноси А.А. Кун Гумбази Сайидон, Ҳазрати Имом меъморий обидаларидаги ўрта асрлар битиклари ва бу ердаги қабртош ёзувлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган. Унинг илмий аҳамиятга молик ишларидан энг муҳими Гумбази Сайидон мақбараси ичидаги тўрт қабртош ҳақидаги маълумотдир. Мазкур ёдгорликлардан учтасида ёзувлар борлиги хусусида сўз юритган А.А. Кун уларда қайд этилган исмларни келтирган. Шу билан бир қаторда у қабр соҳибларининг вафот этган санасини ҳам қайд этади. А.А. Кун Гумбази Сайидон ичида жойлашган марқад тош ёзувларни аниқлаш ва таржима қилишда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилишига қармасдан,³² у Шаҳрисабздаги қабртош ёзувларни ўрганишга илм аҳли орасида биринчи бўлиб йўл очди.³³

³² Кун А.А. Очерки Шахрисябского бекства. //Записки императорского Русского географического общества. СПб., 1886. Т.VI. с. 207.

³³ Аминов Б.Б. Жанубий Узбекистон эпитафик ёдгорликлари тарихий манба сифатида...16 б.

Х.Т. Султонов Гумбази Сайидонда дафн этилган деб тахмин этилган шахслар ҳақида фарозлар киритишда барча соҳа маълумотлари билан тарихий ёзма манбаларни ҳам солиштиради. Бунда биз масалани ойдинлаштиришга ҳисса қўшган эпиграфика соҳасининг мутахассиси Б. Бобожонов ва унинг устози М. Раҳимхоновларнинг ҳам номини тилга олишимиз керак³⁴.

Эски Лангар мазори. Чироқчи районининг Эски Лангар мазори тўғрисида М.Е. Массон Кеш вилояти шайхларига бағишланган мақоласида алоҳида тўхталиб ўтган³⁵. Бу ерда мавжуд икки мақбара ва улар ичидаги сағаналар ҳақида сўз юритган олим, меъморий иншоотларида битиклар йўқлигини алоҳида қайд этиб ўтади. М.Е.Массон мазордаги қабр тошларни кўздан кечиран экан, уларнинг энг қадимийси XV-XVI асрларга оид деб хабар беради. Бундай қабр тошлар синдирилган ҳолатда шарқий мақбара ичидан келтирилиб, шу ерга қўйилганлиги аниқланган. Алоҳида бўлақларга ажратилган мазкур қабр тошлардан учтаси бир-бирига яқин қўйилиб ундаги исмлар ўқилган. Бу Эски Лангарнинг шайхларидан саналган Шайх ал Зоҳид ибн Ҳазрат Азиз Шайх ибн Шайх Аббос Боқи ал-Ишқийнинг қизига қўйилган қабртош эканлиги аниқланган. Шу мазордан ғарб тарафда жуда усталик билан ишланган чиройли қабртошнинг XV асрга тааллуқли эканлиги аниқланиб, унинг ҳар иккала қўндаланг қисми битиклари XVII асрда уриб ўчирилганлиги ва бошқа шахснинг исми битилганлиги М.Е.Массоннинг синчковлик билан кузатуви натижасида маълум бўлган³⁶.

Лангар ота мажмуаси. XV- XVI асрлар. Лангар ота меъморий мажмуаси ҳозирги Қамаши туманининг Лангар қшлоғида XI асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида жуда катта обрў-эътибор ва салоҳиятга эга бўлган Катталангар шайхлари томонидан қурилган. Мақбарада "Лангар ота " номи

³⁴ Аминов Б., Бабаджанов Б. Погребальная эпиграфика комплексов Гумбази-Сайидон и Хазрати Имам (г.Шахрисабз) //Узбекистон қадимда ва урта асрларда. Маърузалар баёни.-Самарқанд. 1992. С.95.

³⁵ Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша.//Труды САГУ. Археология Средней Азии.-Т., Вып. VII. 1966. С.64.

³⁶ Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбека....с.71.

билан танилган Муҳаммад Содик (1460-1545), отаси шайх Абул Ҳасан ва авлодлари дафн этилганлар. Мақбарада Амир Темур авлодидан бўлган исми кўрсатилмаган бир шахзоданинг ҳам қабр тоши мавжуд. Катта Лангар ота номи билан машҳур Қамаши районининг тоғли қисмидаги мазор Қашқадарё вилояти ва унга қўшни ҳудудларда ном қозонган қадамжоларда ҳисобланиб, у тасаввуф масаласига янги маълумотлар ҳам беради. Буларга далил эса бу ердаги ёзма ёдгорликлар-қабртош ёзувларидир.

1960-1970 йиллар орасида Катта Лангарнинг меъморий-ёдгорлик дастаси устида тадқиқот ишлари олиб борган Л.А. Маньковская ҳам қабртош ёзувларига алоҳида урғу бериб ўтган³⁷. 1980 йилларнинг охирларида Катта Лангар мазоридаги ёзма ёдгорликларни ўрганишга тадқиқотчи Б.Бобожонов киришди. Бу ердаги қабртош ёзувларини тадқиқ қилиш, синчиклаб ўрганиш оқибатида у Катта Лангар шайхларининг генеалогияси ва уларнинг вафот санасини аниқлаб янги далилларни маълум қилди. Айниқса, у Ишқийа тариқати тарихига оид фикрларини тасаввуфга бағишланган илмий мақоласида баён қилган³⁸.

³⁷ Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьис. 30.

³⁸ Бабаджанов Б.М. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма. //Из истории суфизма.-Т.,1991. С.90.

2.2. Қарши воҳаси ўрта асрлар даври мазор ва қабристонларининг тарихий-топографик шарҳи

Қашқадарёнинг қуйи ҳудуди – Қарши воҳаси асосан паст текисликлардан иборат. Қадимда вужудга келган аҳоли манзиллари узани 310 чақиримни ташкил этадиган Қашқадарё бўйлаб тизилган. Бепоеън чўлни кесиб ўтган якаю-ягона дарёнинг деҳқончилик учун қулай, сув чиқадиган жойларида қадимда қишлоқлар пайдо бўлган. Ўтмишда суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий манзарасида инсон қўли билан тикланган катта-кичик манзиллар харобалари бўлмиш тепалар, қадимда деҳқончилик қилинган ерлар тахминан 2000 кв. км. деб қаралади.

Хўжа Абу Убайд Жаррох мақбараси - меъморий зиёратгоҳ мажмуасининг марказида жойлашган. Мақбара Амир Темур даврида қурилган. Бир неча марта таъмирлаш натижасида мақбара биносининг дастлабки қиёфаси ўзгариб кетган. Мақбара ҳозирги кунда замонавий қайта қурилган. Ундан жанубий-шарқда ҳовуз жойлашган. Ҳовуз ва унга яқин жойлашган майдонда боғ барпо этилган. Боғ майдон Наврўз байрами ва ҳайит, зиёрат кунлари зиёратчилар учун сайлгоҳ вазифасини ўтаган. Қадимда зиёратгоҳнинг жаунибидан ариғ оқиб ўтган. Оқава ариғдан зиёратгоҳнинг ҳовузига махсус сопол қувурларда сув келтирилиб ҳовуз суви доим янгиланиб турилган. Боғ майдон дарахтлари ҳам шу сопол қувурлар ёрдамида суғорилган.³⁹

Минора XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошларида қайта қурилган. Унинг қурилишида XI-XIV асрлардаги сақланиб қолмаган биноларнинг харобаларидан териб олинган ҳар хил ўлчамли пишиқ ғиштдан фойдаланилган. Минорага ғарбдан, яъни қибла томондан қирилган. Қириш қисми меҳроб шаклда қурилган. Минорани танаси юқори томони нозиклаша

³⁹ Шоназаров Ш.Б. ва б. Склепи-саган средневекового могильника Убайд Джаррах г. Қарши. //“Ўзбекистонда археология ва этнология фанларининг тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция. Т. 2012.

бориб, тепа қисми бир нечта равоқ дарчали мезана (фонус) билан якун топган. Мезанага миноранинг ичидан айланма зина орқали чиқилади.

Қудуқ ўрта асрлар даврида пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб зиёратчилар учун суви шифобахш ҳисобланган. Ўрта асрларда қудуқ суви тоза тутилган бўлиб зиёратчилар учун суви муқаддас бўлган ва истеъмол қилишган, юз кўзларига суртишган ва махсус идишларда ўзлари билан олиб кетишган. Қудуқ сувидан ичиш ва бошқа диний таомилларни бажариш Хўжа Абу Убайд Жарроҳ қабрини зиёратидан сўнг амалга оширилган.⁴⁰

Қўш хужра мақбарага элтувчи йўлнинг ўнг томонида жойлашган. Ҳар бир хужрага қўш тавақали эшикдан кирилган. Усти кумбазли ёпилган. Хужраларнинг қурилиш тархига қараганда XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошлари билан саналади. Сўнгги давларда ушбу хужраларда зиёрагоҳ хизматчилари учун диний-маъмурий бино вазифасини бажарган. Зиёрагоҳ хизматчилари дарвазохонадан кириб келган зиёратчиларни шу хужралар ёнида қарши олишган ва зиёратга шу жойдан бошлаб боришган ва шу ердан кузатиб қўйишган.

Масжид – ўрта асрларга оид археологик меъморий қолдиқ. Хўжа Абу Убайд Жарроҳ мақбарасидан ғарбда жойлашган. Ундан фақат масжиднинг жанубий-ғарбий бурчагининг девор қолдиқлари билан пол сатҳи сақланган. Ўрта асрларда масжид деворлари пишиқ ғиштдан кўтарилган. Масжиднинг шарқдан-ғарбга қараб чўзилган пол сатҳи қолдиқларига қараганда меъморий ўлчами катта бўлганлигидан далолат беради. Эҳтимол, ўрта асрларда масжид пештоқли ва гумбазли бўлиб маҳобатли қурилган. Қарши шаҳрининг ўрта асрлардаги Жомъе масжидларидан бири вазифасини бажарган бўлиши ҳам мумкин. Сўнгги даврда масжид қайта қурилган. Қайта қурилган даври XVIII асрнинг охири - XIX асрнинг бошларига тўғри келади. Қайта қуриш туфайли

⁴⁰ Шоназаров Ш.Б. К некоторым архаическим обрядам на средневековых могильниках Каршинского оазиса //Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари (4 май 2011 йил). Т.2011. 15-20 бетлар.

унинг майдон сатҳи кичрайтирилиб ёзлик масжидга айлантирилган. Қайта қурилган масжид гумбазсиз ва устунларга таянган енгил пешайвонли бўлган. Ёзлик масжид олдида алоҳида қурилган мезана минора жойлаштирилган.

Хилхона XII-XVI асрларга қурилган 19 та дафн иншоатларидан иборат. Дафн иншоатлари кўш қаватли ва бир қаватли бўлиб, улар пишиқ ғиштдан қурилиб усти ганч сувоқ қилинган. Ҳар бир дафинанинг фаолият даври 100-120 йилдан кам бўлмаган. XII-XIV асрларга тегишли дафиналар устида ҳар бир марҳумга тегишли сирли ва сирсиз сополдан сандиксимон гумбазли ёки гумбазсиз қурилган араб ёзувли ва гулсимон нақшлар туширилган қабртошлар жойлаштирилган. Амир Темур ва шайбонийлар даврига оид (XV-XVI асрлар) дафиналар устида эса араб ёзувли мрамартошдан ясалган қабртошлар жойлаштирилган.

XII асрга оид сирланган сопол битикларнинг бирида қабр соҳибининг исми тикланиб тўлиқ маълумот келтирилди. Ушбу қабртош соҳиби Идқу ибн Нурад-дин... ал-Мудуни бўлиб, Қарши воҳасининг ўрта асрлар даври ёзма манбаларда тилга олинган шаҳарларидан бири Мудунда (ҳозирги Мудин қишлоғи) туғилганлиги аниқланди.

Ёзги пешайвон археологик қолдиғи – хилхона ҳовлисига қараган. Шимолий ва жанубий девор қолдиқлари ва пол сатҳи сақланган. Устки қурилиш деворлари пахсадан. Ганчкор шувалган. Шимолий ганч деворида XVIII асрнинг охири - XX асрнинг бошлари билан саналадиган тирнаб ёзилган араб ёзувли лавҳлар учрайди. Ёзувлар билан бирга меҳроб шаклини берувчи чизма ҳам туширилган. Ёзувлар бетартиб ва саводсизларча туширилган. Эҳтимол, бу ёзувлар зиёратчилар томонидан қолдирилган бўлиши мумкин. Бу каби ёзувларни айвон деворига бетартиб ва саводсизларча берилиши XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида зиёратгоҳ ташландиқ ва қаровсиз қолганлигидан дарак беради.

Таҳоратхона археологик қолдиғи ёзги пешайвондан шимолда жойлашган. Ундан тўғри тўртбурчак шаклида пишиқ ғиштдан қурилган оқава сувлар йиғилиб сўнг чиқиб кетадиган тазар (ҳовузча) сақланган.

Тазарнинг ғиштлири катта ёнбоши билан ётқизилган бўлиб ораси ганч сувоқ билан мустахкамланган. Ҳовузчанинг ғарбий деворчасида сув чиқиб кетиши учун тўртбурчак шаклида махсус тирқиш қўйилган. Оқава сувлар тирқишдан чиқиб сопол қувурлари орқали ташнавга туширилган.

Ташнав ва сопол қувурлар археологик қолдиғи (XII аср) таҳоратхонадан ғарбда жойлашган. Тазар (ҳовузча) дан сопол қувурлари орқали унга оқава сувлар оқизилган. Ташнав 3 та сопол қувури ва тўнтарилиб қўйилган ноксимон хумни ўзида мужассамлаштирган. Хумни оғзи қорахонийлар даврига оид тўғри тўртбурчак шаклидаги пишиқ ғишт билан ёпиб қўйилган.

Ўчоқ ва кулдон археологик қолдиғи (XII аср) шимолдан ташнав билан туташтириб қурилган. Ўчоқ ва кулдон қорахонийлар даврига оид тўғри тўртбурчак шаклидаги пишиқ ғиштни катта ёнбош томони билан бир ғишт баландлигида қурилган ва ганч сувоқ қилинган. Ўчоқда катта олов ёқилмаган, балки тайёр қўр олов солиниб тоҳарат учун сув иситилган. Ўчоқдаги кул қолдиқлари кулдонга йиғилган. Ўчоқ ва кулдон XII асрларга оид хўжалик хонани ичида жойлаштирилган. Ташнав ва сопол қувурлар ҳам шу хўжалик хонанинг шимолий девори билан боғлиқ ўтказилган.

Ҳужра ва ҳовуз оралиғида жойлашган меъморий археологик қолдиқлар (XII-XIV асрлар). Бу меъморий қолдиқ деворлари пишиқ ғиштдан бино этилган бўлиб икки алоҳида-алоҳида кириш хоналаридан иборат. Бинонинг вазифаси номаълум. Эҳтимол дарвешлар учун хонақоҳ вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Чунки, Хўжа Абу Убайд Жарроҳ меъморий зиёратгоҳининг тўлақонли мажмуасини буст-бутунлиги учун бошқа ёрдамчи бинолар билан бир қаторда хонақоҳ ҳам бўлиши керак.⁴¹

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Хўжа Абу Убайд Жарроҳ меъморий зиёратгоҳи ёдгорлик мажмуининг бош режасини тузишда анъанавий миллий

⁴¹ Шоназаров Ш.Б. История изучения средневековых могильников Каршинского оазиса. УзМУ хабарлари. Махсус сон. 2011 й. Т., 49-54 бетлар.

меъморий ечимлар асосида барпо этилган бинолар: масжид, минора, хилхона, қудуқ, ҳовуз, ҳужралар, маъмурий ва бошқа ёрдамчи хоналар Хўжа Абу Убайд Жарроҳ мақбарасининг атрофида шаклланиши кўзда тутилган.

Хўжа Абу Убайд Жарроҳ мажмуаси жамоат ва диний бинолар меъморлигини ўзига хос мужассамлаштирган иншоот сифатида қимматлидир. Бу ерда жойлашган дафн иншоотлари меъморий зиёратгоҳ мажмуаси билан тарихан боғланган бўлиб, мажмуани тарихий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Қўрғонча хонақо-масжиди Қарши шаҳрининг марказидан тахминан 2,5-3 км шимолий-ғарбида жойлашган бўлиб, меъморий ёдгорлик сифатида сақланаяпти. Обиданинг қурилиш тархига қараганда XVIII-XIX асрларга оиддир. Хонақо-масжидининг шимолий-шарқий томонлари Г-шаклида қурилган ўйма устунли айвондан иборат.

Хонақо-масжидининг ғарбий қисмида атрофи девор билан ўралган, дарвозаси пештоқли қабристон жойлашган. Қабристоннинг умумий майдони тахминан 25X50 метрни ташкил этади. Унинг шимолий бош қисмида ёнма-ён иккита мазор жойлашган бўлиб, замонавий қайта таъмирланган. Қабрларнинг жойлашув тартиби анъанавий, яъни бош томони шимолга қаратилган. Мазкур қабристон бу ердаги архитектура ёдгорлиги билан боғланган бўлиб, бу нарсани унинг тарихий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Бу ерда меҳроб шаклида ўхшатиб ясалган тик ўрнатилган тош тахта - қабртош (стела) топиб ўрганилди.⁴²

Тош тахта шакли қабртошлар Ўзбекистонда кам учрайдиган эпиграфик ёдгорликлар бўлиб, бу қабртош ҳам Қарши воҳаси ёдгорликлари ичида ягона ҳисобланади. Тош тахта оқ мармардан ясалган бўлиб, олд

⁴² Шоназаров Ш.Б. Қўрғонча хонақоҳ масжиди қабртош лавҳи. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Ўзбекистон Миллий университети археология кафедрасининг 70 йиллигига бағишланган илмий анжуманига йўлланган маърузалар тўплами. Тошкент, 2010 й.

қисмига яхши ишлов берилган. Орқа томонида жойлашган битиклар майдончаси силлиқланган, қолган қисми эса дағал.

Ёдгорликдаги китоба (эпитафия) лар 18 қаторда бўртма шаклида берилган бўлиб, яхши сақланган. Қабртош матни араб ёзувининг настаълик хатида араб тилида битилган. Ёдгорликдаги ёзувлар баландлиги бир хилликни ташкил этиб, тепадан пастга қараб кенгайиб боради. Матн қаторларини сангтарош томонидан қолдирилган махсус бўртма йўлакчалар ажратиб туради.

Қабртошни юза қисмининг айланма гардиши учбурчак шаклини берувчи нақш-безаклар билан тўлдирилган. Қабртош соҳибини таваллуд ва вафот санаси ёдгорликнинг орқа томонида берилган бўлиб, абжад (рақамларни араб ҳарфларида берилиши) ҳисобида китобат қилинган.

Мозорни жанубий-ғарбий қисмида тўртбурчак шаклидаги пишиқ ғиштлардан қурилган сағананинг қолдиқлари учрайди. Сағананинг пастки – жанубий қисмида XIX-XX асрларга оид бир нечта қабртошлар ўрнашган бўлиб, улардаги ёзувлар сифатсиз. Мазкур эпитафияларнинг материали кулранг (кўкимтир) сангихора тош бўлиб, улар ясси (трапеция) шакли узунчоқ қабртошлардир.

“Етти туғ” қабристони. 2010 йилда Ўзбекистон Миллий университети Археология кафедраси ходимлари проф. Р.Х. Сулейманов, Ш.Б. Шоназаров ва кафедра битирувчи талабалари Анвармирзо, А. Баротовлардан иборат археологик гуруҳ томонидан Қарши воҳасининг Потрон қишлоғида жойлашган “Етти туғ” қабристонидан илк маротаба археологик кузатувлар ва тадқиқот ишлари олиб борилди. Қабристон Потрон қишлоғининг марказида жойлашган. Қабристоннинг умумий майдони 3-3,5 гектарни ташкил этиб, атрофи девор билан ўралган нотуғри тўртбурчак шаклини беради. Қабристоннинг шарқий қисмида замонавий қайта қурилган масжид ва минора жойлашган. Қабристон билан масжид ўртасидан Потрон ариғи оқиб ўтади.

Қабристоннинг марказида замонавий қайта қурилган мақбара жойлашган. Мақбарани ичида еттита қабр жойлашган. Шулардан икkitасини усти қизил бахмалдан тикилган қабрпўш билан ёпилган. Қабрпўшнинг бирида зарҳал ҳарфлар билан “Мир Сайид Хусайн” номи ёзилган. Қабрларни атрофи замонавий мрамртошлардан қурилган пастдакина деворлар билан ўралган. Қабрларни устида қумтошдан ясалган қабртошларни кузатамиз. Қабртошлар шаклига кўра XIX-XX асрнинг бошларига оид. Қабртошлардаги ёзувлар эски ўзбек ёзувида настаълиқ хатида битилган.

Қабртошларни тадқиқоти шуни кўрсатадики, мақбара ичидаги қабрлар устида қўйилган қабртошларда учрайдиган исмлар мақбарани киришидаги мрамртош лавҳдаги маълумотлар билан номутоносиб. Балки, юқорида таърифи келтирилган қабртошлар мақбара атрофида жойлашган қабрлар устидан олиниб мақбара ичидаги қабрлар учун белги сифатида фойдаланишган. Бироқ, бу одат ислом дини урф-одатларига мутлақо зиддир.

Мақбарани ташқаридан кузатганимизда унинг пойдевори қабристон жойлашган ердан нисбатан баландда жойлашган. Мақбаранинг жануби-шарқий девор пойдеворидан XI-XII асрларга оид энг қадимги бинодан қолган пишиқ ғишт парчалари топиб ўрганилди. Айни шу каби ғишт парчалари масжиднинг ғарбий томонидаги девор таркибида ҳам қайд этилди. Мақбарадан жанубий ва жануби-шарқий томонида баландлиги 1,5-2 метр бўлган ясси тепалик ҳосил қилган майдон жойлашган.

Мақбарани ғарбий қисмида XIX-XX асрнинг бошларига оид ўндан ортиқ қабртошлар топиб ўрганилди. Уларнинг ўлчами ва фотонусхалари олинди. Афсуски, кўпгина қабртошлардаги ёзувлар ўчиб кетган, кўпчилигида ёзув учрамайди. Қарши воҳасининг Потрон қишлоғида жойлашган “Етти туғ” қабристони ва унда жойлашган мақбарада кўмилган азиз авлиёлар, диний уламолар қишлоқ аҳолиси томонидан доимо зиёрат қилиб келинади ва эъзозланади. Аҳоли томонидан ҳашар йўли билан қайта қурилган ва обод қилинган мақбара ва масжид шундан далолат беради. Мақбара ва масжид

пойдеворида кузатилган қадимий девор қолдиқлари келажакда археологик казув ишлари асосида тўла тафсилоти ёритиб берилади.

Фазли қабристон. Фазли қишлоғи Қашқадарё вилояти Касби туманига қарашли йирик аҳоли турар жойи. Қишлоқ вилоятнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган обод ҳудудларидан бири ҳисобланади. Қарши шаҳридан Фазлига қадар масофа 33-35 км. Фазли қишлоғи Кўҳна Фазли билан алоқадор. Улар орасидаги масофа 11 кмни ташкил этади. Кўҳна Фазли аҳолиси бу ерга кўчиб келганлиги учун ҳам Фазли деган номни олган. Айрим тадқиқотларда ҳозирги Фазли қишлоғини қадимги Базда (Безда) ёки Пазда билан боғлашади. Аслида эса Кўҳна Фазли тарихда Пазда ва Базда номлари билан маълум. У кўпинча Бухоро-Насаф йўл бўйидаги аҳоли манзилгоҳи сифатида тилга олинган. Пазда (Базда) бу айнан ҳозирги Кўҳна Фазлига кўпроқ тааллуқли жой номи. Ўрта асрлар даврида бу ернинг аҳолиси ҳозирги Фазлига кўчиб келишган.

Базда Касби қаби катта қишлоқ ва унда жомеъ масжиди борлиги ҳақида тарихий маълумотлар бор.⁴³ Бухородан Насафга икки йўл орқали борилган бўлиб, шунинг иккинчиси Касби орқали ўтган. Мазкур йўл тармоғи Базда (Безда) қишлоғидан ҳам ўтган. Базда ва Насаф орасидаги масофа 6 фарсах бўлган.⁴⁴

Кўҳна Фазлидан ислом оламида бир нечта олим чиққанлиги ҳақида маълумотлар бор. Улар ал-Баздавий (Паздавий) нисбаси билан машҳур бўлганлар. Имом ал-Мотуридийнинг шогирди ва издошлари орасида Абу Муҳаммад Абу-л Карим ибн Мусо ал-Паздавий, Абу-л Ҳасан ал-Паздавий, Абу-л Юсуф ал-Паздавий қаби олимлар ҳақида тарихий китобларда сўз юритилган.⁴⁵

Х асрда номаълум муаллиф томонидан ёзилган “Ҳудуд ал-о‘лам” асарида Базда шаҳарчаси тўғрисида маълумотлар берилган. Унда мазкур

⁴³ Бартольд В.В. Сочинения в 9 томах. М.: Наука, 1963, с.190

⁴⁴ Шу жойда., с.191

⁴⁵ Убайдулла Уватов. Абу –л Муъийн ан-Насафий (ҳаёти ва мероси). Тошкент “Маънавият”, 2003., 6 б.

шаҳарчанинг аҳолиси камлиги, экинзорлар кўплиги, бир курук ўзани борлиги, бу курук ўзанда эса йилнинг маълум фаслидагина сув оқиши, аҳолининг аксари ҳолларда қудуқ сувидан ва дўлоблардан фойдаланиши ёзилган.⁴⁶

XX аср бошларида Насаф вилояти маъмурий-бошқарув тизимида Фазли амлоки рўйхатга олиниб унинг таркибида 9 мавзе ва 4 қишлоқ борлиги қайд этилган⁴⁷.

Ҳозирги Фазли қишлоғи ҳудудида археологик тадқиқотлар тўлиқ ўтказилмаган. Кейинги пайтларда ЎзМУ археология кафедраси тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган археологик қидирув ишлари, қисман қазилма ишлари қишлоқнинг қадимий ва ўрта асрлар тарихига оид айрим маълумотларни берди. Қишлоқ ҳудудида ўрта асрларга оид 11 қудуқ аниқланган. Ўрта асрларда бу ерда сардоба бўлганлиги ҳақида ҳам фикрлар бор. Кўҳна Фазли ҳақида ёзган М.Е.Массон Бухоро-Базда савдо йўлида X асрда сардоба мавжуд бўлган деб маълумот беради.⁴⁸ Бу ерда Кўҳна Фазли назарда тутилган. Ҳозирги вақтда Фазлида XIX асрдан қолган масжид бор.

Фазли тарихига оид далилларни фақат қишлоқнинг қабристонидagi қабртош битиклардан билиш мумкин. Қабристон аҳоли истиқомат қиладиган маскандан ғарбда жойлашган. Қабристон ҳудуди текисликдан иборат ва катта майдонни эгаллаган. У нотўғри учбурчак шаклида, узунлиги 470 м, эни эса 330 м. Шарқий томони чегараси пишиқ ғиштдан қилинган девор билан ўралган. Қолган томонлари темир панжаралар билан ўраб чиқилган.

⁴⁶ Ҳудуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи Омонullo Бўриев, Тошкент.:О'ЗBEKISTON,2008, 13 б.

⁴⁷ Абдусаттор Жуманазар.Насаф. Т.:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,2007.-204 б. 56 б.

⁴⁸ Мавлонов Ў.М.Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. Т.:Академия, 2008..284 б.

Қабристоннинг қадимий қисми унинг марказида ва бу жой қабристон бошқа ерларига нисбатан 1-1,5м баланд.⁴⁹

Ҳозирги вақтда Фазли қабртошларидаги маълумотлар айрим тарихий манбалардаги шахсларнинг исмлари ва хронологик жиҳатлари билан муқояса қилинмоқда. Мазкур тадқиқотлар Қашқадарё, Ўзбекистон ва қолаверса, Шарқ ислом дунёси тарихи учун янги маълумотлар ва далилларни бериши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳазрати Қусам Шайх қабристони (Хусом ота меъморий мажмуаси).

Қарши шаҳридан Бухорога кетиш Буюк ипак йўлида жойлашган бу қишлоқ 1X-X асрлардаёқ маълум ва машҳур бўлганлигини қадимшунослар аниқлаб беришган. Араб тарихчиларини китобларида Фудина қишлоғи тўғрисида кўп маълумотлар учрайди. Айниқса, араб жуғрофик олими Носир ад Дин ал Ҳанафийнинг "Тухфатул-Зоирин" асарида Фудина тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Дастлаб Фудина қишлоғи Тадиёна деб аталган. Шунинг учун ҳам X асрда бу қишлоқдан етишиб чиққан йирик аллома Аҳмад ибн Муҳаммад ўзига ад-Тадёний тахаллусини олган. Вақт ўтиши билан қишлоқнинг номи Пидёна, Фудина, Пудина шаклида ўзгариб борган. Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тадёний Фудинада ҳадисшунослик мактабини ривожлантиришга бениҳоя катта ҳисса қўшган.

XII аср охири ва XIII аср бошларида яшаган ислом оламидаги буюк шайхлардан бири ибн Муҳаммад Қусам шайхни (уни кейинчалик Қусам ота деб ҳам аташган) ҳаёти Фудина қишлоғи билан боғлиқ. Қусам шайх машҳур дин арбоби, ҳикматшунос шоир Аҳмад Яссавий авлодидандир. Қусам шайх жуда билимдон, том маънодаги авлиё ва пир ҳамда табиб бўлган.

Ҳазрати Қусам шайх даврида Фудинада ҳадисшунослик ниҳоятда ривожланиб, бу ер илм-фан, маданият ва адабий ҳаётнинг марказларидан бирига айланди. Ҳазрати Қусам шайх Нақшбандийлик тариқатининг

⁴⁹ Шоназаров Ш.Б. Эволюция погребальных традиций Нахшаба и могильник Мазари Мир. //Археология Узбекистана. №1. Самарканд, 2010 г.

асосчиси бўлган Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг устози ҳисобланади. Ислом оламида бениҳоя обрў-эътиборга эга бўлган Қусам шайх тўррисида ўша даврнинг машҳур кишилари асарларидан маълумотлар олиш мумкин. Абдурахмон Жомийнинг "Нафосат-ул-унс" асарида Ҳазрати Қусам шайх Аҳмад Яссавийнинг авлодидан эканлиги, у киши Баҳоуддин Нақшбандга «устозлик қилгани ҳақида ёзилган. Алишер Навоийнинг "Насойим-ул-муҳаббат" асарида эса Ҳазрати Қусам шайх шайхларнинг шайхи деб таърифланган.

Ҳозир Қусам ота номи билан аталадиган қабристонга кираверишдаги кад ростлаб турган меъморчилик ансамбилининг тарихи узоқ мозийга бориб тақалади. Бу ҳақда Л.Ю. Маньковская Қаршидан Косонга кетадиган йўлнинг тахминан 15-километрларида Фудина қишлоғида қизиқарли қадимий ва қурилиши ўта мураккаб Ҳазрати Қусам ота меъморчилик ансамбли жойлашганлиги тилга олинган.

Ҳазрати Қусам ота ёдгорлиги қадимги негизида ажойиб тарихий таркиб топган мажмуа бўлиб, 1X-X асрнинг ноёб меъморчилик дурдонаси ҳисобланади. Шуниси диққатга сазоворки, бу жойда ишлатилган ғиштлар ва қурилиш меъморчилиги бошқа бирор жойда ҳам ишлатилмаган. Юпқа ғиштлар ҳақиқий қадимий ғиштлар бўлиб, биноларнинг зилзилага бардошлигини оширган. Обидага кириш дарвозахонадан бошланиб, бу бино X-XI асрларда бунёд этилган. Минг йил олдин экилиб, ҳозиргача сақланиб қолган тут дарахтлари орасида катта ҳовуз атрофида таҳоратхона, уч томони пешайвони бўлган гумбазли масжид ва унча катта бўлмаган дарвозасимон учта иморат бўлиб, улар орқали зиёратчилар мажмуанинг марказига борадилар.

Ансамблнинг асосий маркази мажмуага қараганда ичкарирокда, яъни қадимий даражада сақланиб қолган. Чамаси муборак ҳисобланган мақбара асрлар давомида унга ёпишган тупроқ қатламларидан тозалаб турилган, бўлмаса бинонинг яrimi ерга қўшилиб қоларди.

Қусам ота мақбарасига бориладиган йўл Севинч Ота деб номланувчи иккинчи дарвозадан бошланиб, унинг иккала томонида айланиб ўтадиган алоҳида йўлаклар қилинган. Севинч Отадан ўтилгач, икки томони ғишт билан кўтариб девор қилинган йўлак орқали Қусам Ота мақбарасига борилади. Бу ерда икки бўлим ёдгорликларининг гувоҳи бўласиз. Биринчи қисм чап томондан қириладиган бино бўлиб, усти баланд гумбазли зиёратхонага, ундан сўнг паст йўлакдан эмаклар даҳма қисмга қирилади.

Биринчи қисмда Қусам отанинг хотинлари ва бош фарзанди Оқмуҳаммад Отанинг қабри бўлиб, баланд гумбаз билан қопланган. Кейинги қисмда эса Қусам Отанинг қабрлари бор. Мақбаранинг шимолий томонида зиёратчиларда қизиқиш уйғотадиган яна бир мақбара бўлиб, уни тор йўлак асосий мақбара билан боғлайди.

Бу ерда Исҳоқ Отанинг қабрлари бўлиб, уни Соғайтойхона ҳам деб юртилган. Исҳоқ Ота Аҳмад Яссавийнинг иниси Иброҳим Отанинг Исмоил Ота исмли ўғлининг фарзандидир. Исҳоқ Ота мақбарасининг ёнида зиёратхона ва устига битиклар ёзилган кўнғир мармар қўйилган. Шимолий томонда эса тўрт бурчакли мақбара бўлиб, унда бешта қабр мавжуд ва уларнинг устига махсус жило берилган мармар тошлар қўйилган. Биринчи қабрда катта кулранг мармар тош қўйилган бўлиб, унга араб ва форс тилларида безак ва ҳаттотликборасидаюксак санъатбилан сулс хатида оятлар ва шеърлар битилган. Улар ҳали гўлиқ ўрганилмаган. Тошнинг шимолий томонида устига ингичка чиройли қилиб сулс услубида -"Бу ўлим Амирзодани... шу вақтда бўлган эди..." лекин биринчи кириш қисми давом қилиниши керак бўлган жойда тўхтаб қолиб унинг ўрнига қўпол настаълик услубида " Бу қабр худо севган Мансур Муҳаммадни, Хўжа Муҳаммад ўғли тўққиз юз етмиш саккизинчи йил" деб ёзилганки, ёзувни икки ҳаттот томонидан битилганлигини билдиради (бири чиройли сулс усулида ва иккинчиси қўпол настаъликуслубидадир).

Иккинчи қабр тошида ҳам бундай ҳолат давом этади, яъни сулс услубида чиройли битиклар настаълик услубида давом эттирилган бўлиб,

ёзувлар қарийб ўчиб кетган ва тошнинг жануб томонида "Бу қабр худо севган Махпират Бобоҳўжанинг қизи" ва шимолий томонида 976 йил сафар ойи (1568 йил октябрь деган битиклар мавжуд. Учинчи қабртош ёзувлари анча ёмон сақланган, жануб томонида сана 993 йил (июнь-июль 1488 й) ва шимолий томонида "Бу жойда Худо сўраган Муборак малика мавлоно Исо хўжа қизи дафн қилинган" деган битиклар сақланиб қолган.

Қабр тошнинг шимолий қисмида "Аҳмадбек ўлди", "Амир Муҳаммадбекнинг ўғли", "Хўжа Анварнинг ўғли" деган битиклар бор. Исҳоқ Ота мақбараси мажмуида асосан иккита мақбара мавжуд. Улардан бири Исҳоқ Ота ва у кишининг хотинларини қабрлари бўлиб, иккинчи мақбарада эса қизларининг қабри қўйилган. "Бу мақбарага бегоналар кирмасин ва имкони бўлса назар ҳам солмасин, чунки қабрда хур қиз ётибди", деган ривоят асрлар оша ҳозиргача етиб келган.

Имом Муин комплекси. Қарши шаҳридан ғарбга томон 15 километр нарида, Қарши районида Қовчин қишлоғи бор. Шу ердаги табаррук авлиё имом Аъзамнинг даҳмаси—Имом Маин комплекси зиёратгоҳи. Бу жойда саҳни девор билан ўраб олинган ташқи ҳовли, бир-бирига ёндошиб тушган бир неча хужрали ҳамда зарур хўжалик буюмлари ва ҳашамлар билан жиҳозланган гавжум дарвозали тўртбурчак ички ҳовли мавжуд. Ҳовлининг ўртасида тўртбурчакли катта ҳовуз бор, унинг бурчакларига дарахтлар ўтқазилган ҳамда шосупа қилинган. Ёғочдан қурилган пешайвонли масжид энг қадимий бинолардан биридир. Масжид биноси қурилиш тархига кўра анча илгари қурилган дейиш мумкин. Аммо жануб ва шарқ тарафларини ўраб турувчи пешайвон устунларидаги ҳижрий 1234 ёзуви ушбу айвонни масжиддан кейин — бундан 186 йил бурун қайсидир саховат пеша киши томонидан тикланганлиги ва шу йили мажмуани тўлиқ таъмирланганлигини кўрсатади.⁵⁰

⁵⁰ Шоназаров Ш.Б. и др. Абу Саъд ас-Самъонийнинг «Ал-ансоб» («Насабнома») асарида Қашқадарё воҳаси тавсифи. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Ўзбекистон Миллий университети археология кафедрасининг 70 йиллигига бағишланган илмий анжуманига йўлланган маърузалар тўплами. Тошкент, 2010 й.

Масжид пешайвонида жами олтита нақшинкор устунлар мавжуд. Устунларнинг барчаси мрамор пойустунларга ўрнатилган. Пешайвоннинг мақбара томонидаги энг чекка устуни юқори қисми Марказий Осиё ва Шарқ меъморчилигига хос, VII-VIII асрларда пайдо бўлиб, XV-XVII асрларда кенг тарқалган мукарнас услубида, қолган бешта устунлар эса оддий усулда тикланган. Мукарнаслик устун масжид биринчи бор қурилганда ишлатилган кўринади. У деярли бутунлигича сақланган. Турли талафотлар натижасида мукарнас нақшлари тўкилиб кетган, қолган устунлар эса масжиднинг сўнгги бор таъмири даврида шундайлигича фойдаланилган.

Пешайвон анъанавий васса жуфт усулида ёпилган. Айвон шифтига тўқ рангдор бўёқлар ёрдамида нақшлар берилган. Пешайвоннинг ҳар иккала тараф пештоқларидаги нақшлар орасида арабий битиклар битилган. Аммо вақт ўтиши, ёғин-сочиннинг таъсири остида бу битикларнинг кўп қисми ўчиб улгурганлиги сабабли ўқиш қийин бўлди. Ҳар ҳолда пештоқ нақшлари орасида битилган 1299 ёзуви уч жойда яққол кўриниб турибди. Бу рақамлар айвонга нақш солинган йилдан дарак беради, албатта. Пешайвон устунидаги ва пештоқлардаги рақамлар ҳақида фикр юритсак, уларнинг бири мажмуада олиб борилган тўлиқ таъмир ҳақида сўзласа, иккинчиси эса, таъмирдан сўнг олтмиш беш йил ўтгач, яна қайсидир юртпарвар ҳомийлигида айвон шифтига ислимий нақш солингани ҳақида ҳикоя қилади.⁵¹

Масжид биноси асосан тўрт бурчак шаклида бўлиб, қалинлиги бир метрга тенг девор икки метру ўн сантиметрга кўтарилганда тўрт бурчагига ҳам шарафа услубида безак берилган. Шарафадан юқорида эса бурчаклар кўшимча тарзда меҳроб усулида кесилган. Бу усуллар юқорида айтганимиздек, гумбаз оғирлигини хона деворларининг барча қисмига бирдек тушишига ҳамда улкан гумбазнинг турли табиий таъсиротларга бўлган чидамлилигини оширишга ёрдам беради. Масжид гумбази бино

⁵¹ Шоназаров Ш.Б. О средневековых мазарах и могильниках Каршинского оазиса. Насаф ва Кеш тарихи манбаларда Республика илмий-амалий конференция. Қарши, 2010 йил 28 май.

деворинингуч ярим метрлик баландлигидан бошланади. Гумбаз баландлиги асосидан тўрт ярим метрга тенг. Масжид асосидан гумбазнинг энг юқори нуқтасигача бўлган ўлчов саккиз метрга баробардир. Унинг диаметри олти ярим метр.

Масжид қайта таъмирланганда эшиклар сони кўпайтирилганлиги яққол кўриниб турибди. Ўшандаянги нақшинкор эшиклар ўрнатилган ва ичкарига ёруғлик тушиши учун қўшимча туйнуклар очилган.

Масжид деворларида китоблар, шамдонлар қўйишга мўлжалланган саккизта токча мавжуд. Булардан ташқари, хонанинг шимолий деворида кичкина эшикча бўлиб, у чиллахонага олиб киради. Чиллахонанинг борлиги ҳам бу ерда ўз вақтида илмнинг турли поғоналарига кўтарилган алломаларнинг яшаганлиги ва ижод этганлигидан дарак беради. Чиллахона эшиги устига жойнамоз ташлаб қўйилган. Азалда махсус ёпғичи бўлган, албатта. Чиллахона ичинингўлчами 2х2 метр. Унинг усти ҳам диаметри икки метрли ўзига хос гумбаз билан ёпилган. Гумбаз баландлиги асосидан икки метру саксон сантиметрга тўғри келади.

Масжиднинг шарқий айвони остида мўъжазгина қабр бор. Шу ерлик кексаларнинг гувоҳлик беришларича, бу қабр Ҳазрат имом Мўъийннинг яқин дўстларидан бирига тегишли бўлган.

Имом Мўъийн мақбарасининг шарқий томонига туташган чоғроқхона мавжуд. Унга бинонинг жануб тарафидаги баландлиги бир ярим, эни етмиш сантиметрли эшикдан кирилади. «Духтархона» деб аталмиш ушбу хона тўртбурчак шаклда — ички томони 4,5х4,5 метр қилиб қурилган. Хона усти диаметри ҳам тўрт ярим метрли гумбаз билан ёпилган. Гумбазнинг ердан энг юқори нуқтасигача баландлиги олти ярим метрга тенг.

«Духтархона» — форс тилидаги сўз бўлиб, «Қизхона» мазмунини беради. Хона ўртасида узунлиги икки, эни бир метрларга тенг ёлғиз қабр бор. Шу ерлик қарияларнинг сўзларига қараганда, ушбу қабр аёл кишига мансуб экан. Аммо бу аёлнинг кимлиги, исми ҳозирча номаълум. Қабр кейинчалик оддий лой сувоқ билан таъмирланган. Қабртош сақланмаган. Хонада аёл киши ёки

киз боланинг қабри бўлганлиги сабабли ҳам ушбу хона «Духтархона» деб аталиб келинган.

Ҳазрат имом Мўъйин мажмуасидаги энг қадимий бинолардан бири «Чор эшик» деб номланувчи қўшхона ҳисобланади. Унинг қурилиш тарихига назар солар экансиз, вилоятдаги «Ҳазрат Султон Мирҳайдар» ҳамда «Қусам Ато» архитектура ёдгорликларига ўхшашлигини кўрасиз. Бино ўз вақтида хонақоҳ сифатида бунёд этилган бўлса керак. Ҳар иккала хона ҳажми бир хил бўлиб, ички томонлари 3,5х3,5 метр. Бино деворлари қалинлиги барча қисмида бир хил — бир метрга тенг. Хоналарнинг усти қадимий пишиқ ғиштдан гумбаз шаклида ёпилган. Гумбазларнинг диаметри уч метру йигирма сантиметрга, ердан гумбазнинг энг юқори нуқтасига баландлиги тўрт ярим метрга тенг.

Ҳар иккала хоналарнинг асоси тўрт бурчак шаклда. Деворлари бир метру ўттиз сантиметргача кўгарилганда хона бурчаклари пишиқ ғиштлардан кесилиб шарафалар қилинган. Ана шу қисмдан гумбаз айланаси бошланади. Гумбаз оғирлиги хона деворларига баробар тушиб туриши мақсадида деворнинг гумбаз билан туташган қисмида асос кенглиги йигирма беш, баландлиги ўттиз сантиметрли ҳажмдаги куплаб меҳробчалар ясалган. Булар хона ичига безак кўринишда чирой ҳам бериб туради. «Чор эшик» мажмуаси гумбазлари қурилиши ердан бир метру ўттиз сантиметр баландликдан ўта мураккаб меъморий услубда бажарилган.

«Чор эшик» архитектура ёдгорлиги хоналарини ажратиб турувчи ғишт девор ўртасида кенглиги икки метру қирқ сантиметр, баландлиги икки метру ўттиз сантиметрга тенг аркасимон кўринишдаги ўтиш йўлаги қолдирилган. Хоналарнинг шимол томонида биттадан, жануб томонида ҳам биттадан — жами тўртта кириш-чиқиш эшиклари мавжуд. Шуларни назарга олиб, бу қўш хонани «Чор эшик» деб номланган. «Чор эшик» ўз вақтида қироатхона вазифасини ўтаган. Қуръон тиловат қилинаётганда ичкарига кирувчи ёки ичкаридан чиқувчи киши тингловчиларга халақит бермаслиги учун тўртта эшик хонанинг махсус жойларидан очилган.

«Чор эшик»нинг шарқий тарафида Қовчин қишлоғидаги энг қадимий мактаб-хужра биноси бор. Девор ғиштларига қараганда бу хона биноси ҳам «Чор эшик» билан бир пайтда тикланган. Бу биноларни XII-XIV асрларга ҳос дейиш мумкин.

Мактабхонанинг жануб тарафида эни бир метру йигирма сантиметр, бўйи бир метру олтмиш сантиметрли қўштабақали қадимий нақшинкор эшиги бор. Хонага ёруғлик тушиб туриши учун эшик устида махсус туйнуқлар ўрнатилган.

Хонанинг ички ҳажми квадрат шаклида—тўрт метру етмиш сантиметрга тўрт метру етмиш сантиметр. Хона усти анча кенг ғиштин гумбаз билан қопланган. Гумбаз диаметри тўрт ярим метрга, гумбаз баландлиги асосидан энг юқори қисмигача икки метру саксон сантиметрга тенг. Мактабхона девори баландлиги ердан гумбаз асосигача уч метр. Гумбаз асоси хона деворига меқроб кўринишдаги саккизта таянчлар билан бирлашиб кетган. Бу таянчлар гумбаз оғирлигини деворларига бир текис тушиб туришини таъминлайди. Гумбазнинг ғарб ва шарқ тарафларида ҳаво алмашиб туришлиги учун махсус туйнуқчалар бор. Хона камида 25-28 та ўқувчига мослаштирилган.⁵²

Мактабнинг шарқий томонига туташ «Қора хужра» бўлган. Унда қишлоқнинг энг илмли кишиларидан саналган қаҳлаулик мулла Турсун оҳун яшаган. Бу хужра ўтган асрнинг ўрталарида бузилган. Хужранинг иккита эшиги бўлиб, уларнинг бири шимолга, иккинчиси мажмуа ҳовлисига — емакхонага қараган. Хужра анчагина кенг бўлиб, Згаинг ўртасида махсус ўчоқ бўлган. Ўчоқда қиш паллалари ёқилган олов тутунидан хужра деворлари қорайиб кетганлигидан бу хужрани «Қора хужра» деб юритишган.

«Қора хужра»нинг мажмуа ҳовлиси томонидаги эшиги яқинида емакхона бўлган. Вақт ўтиб бу ҳам бузилган. Ўтган асрнинг тўқсонинчи

⁵² Шоназаров Ш.Б. Позднесредневековые надгробные плиты Каршинского оазиса и их аналогии в Казахстане. Маргулановские чтения – 2011 // Материалы международной археологической конференции. Астана. 2011. 183-188 бетлар.

йилларида юртдошларимиз ташаббуси билан уюштирилган хашарда емакхона ўрнида соддагина айвон тикланган.

Емакхонадан сўнгга бино — кичикроқ хужра ҳам сақланиб қолган. Бу хужрада ўтган асрнинг йигирманчи йилларининг илмдорларидан саналган мулла Ҳамро охун яшаган. Илмга ҳавасманд ёшларга устозлик қилган. Хужра ичи ганчланганлиги учун бу ерда киши ўзини ёруғ хонага кириб қолгандек ҳис этган. Шунинг учун ҳам бу хона «Оқ хужра» деб номланган.

Мажмуа ҳовлисига кириш эшигининг ўнг тарафида яна иккита қадимий хужра бўлиб, уларнинг бири ўтган аср йигирманчи йилларнинг илмдорларидан бўлган Аваз эшонники, иккинчиси эса Файзулла қориники бўлган. Уларгача ҳам бу хужраларда замонасининг номдор уламолари яшаб ижод этишган. Ушбу маълумотнинг ўзи ҳам Қовчиндаги муқаддас зиёратгоҳ мажмуанинг яқин-яқинларгача ҳам илм марказларидан бири бўлганлигидан далолат беради.

«Оқ хужра»нинг жанубий девори қадимий қарвонсаройга олиб ўтадиган равоқ пештоқли дарвозахонага туташган. Бу дарвозахона қарвонсарой бинолари мажмуасидан ҳозирда яқка-ёлғиз нишона бўлиб қолган.

Пештоқли дарвозадан қадимда олис мамлакатлардан келган ҳадсиз қарвонлар қўниб ўтадиган қарвонсаройга, қарвон эгалари — савдогарлар эса тавоф этгани зиёратгоҳга, намоз ўқиши учун масжидга ўтиб турганлар.

Ўз вақтида қарвонсаройга қўплаб қарвонлар, юзлаб туялар жойлаша оладиган бўлган. Унинг ҳовлиси қўплаб хужралар билан ўралган. Бу хужраларда савдогарлар, сарбонлар, йўловчилару қўриқчилар, хизматкорлар тўқнашган.

Ҳазрати шайх комплекси. Қовчин қишлоғига яқин жойлашган Тўрақул қишлоғида жойлашган. Архаик лойлардан арқсимон усулда қурилган яна бир бино—Ҳазрати шайх комплекси мавжуд, комплекс орасида ажойиб ўйма қошин сағанали қабр алоҳида ажралиб турибди. Бу Ҳазрати шайх сағанаси бўлиб, ундаги ёзувлар 1339 йил санасини кўрсатиб турибди. У ҳашаматли тўғри бурчакли призма шаклида бажарилган, унинг тепаси меҳробий шаклда (ҳозир у

ремонт лойлари билан бекилиб қолган). Дахманинг ҳар қирраси паннонинг безакли ҳошиялари билан бирлаштирилиб сопол бўлаклари билан қопланган, учбарг-мадохил тахлит узун томонига — бешта, калта томонига—битта панно солинган, ҳошия ва мадохил «ислими» безаклари билан тўлдирилган.

Султон Мирҳайдар комплекси. XII аср араб географларининг ёзувларига кўра, қадимий Касба манзили ўрнида вужудга келган Касби қишлоғи илгари Насафдан ҳам катта бўлган, унда бир неча ёдгорликлар сақланиб қолган. Улар катта тепалпк Қасби шаҳарчаси ортида бўлган; бу ҳақда Қарши шаҳри гуллаб-яшнаган чоқларда Маҳмуд ибн Вали бундан ёзганди: «...Абдуллахон Шайбоний ҳукмронлик қилган кезларда... унинг тасарруфида қишлоқ ва овуллар кўп эди. Улар жумласида Касби худди жаннат боғи эслатарди. Уша қишлоқда Мирҳайдарий номи билан аталувчи саидлар хонадони яшарди ва ўзбек ҳокимлари овулнинг аҳолиси билан қариндош бўлишга интиларди». Ёдгорликлардан энг йириги — мемориал ансамбль — Султон Мирҳайдар комплекси (XI—XVI асрлар) бўлиб, у изчил равишда композицион жиҳатидан ўзгара бориб, тарихий ўзгаришлар натижасида вужудга келган. Ҳозир тарихий ёдгорлик ёпиқ ва ярим очиқ биноли учта кичик ҳовлилардан иборатдир. Уни кўргани келган киши кенг саҳнли—жанубий ҳовлидан қатор устунли *намозгоҳ масжидга* (XVI аср) чиқади. Ундан кейин ним қоронғи хонақоҳга кириб, ундан ўрта ҳовлига ўтилади. Ҳовлининг шимолий ва шарқий тарафида қадимий мақбаралар қад кўтарган, жанубий ва ғарбий томонида эса XVI асрда бино қи-линган айвонлар бор. Айвоннинг ғарбий девори ёқалаб ўтган йўл кўмилиб кетган шимолий ҳовлигача олиб бо-ради, унда ўймакорлик билан ишланган (XIV—XVI асрларга оид) хилма-хил мармарли сағаналар бор. Касбидаги қабристон тупроққа шу қадар кўмилиб кетганки, унга кирилаётганда узоқдан баланд гумбазлар силсиласи билан лайлак инигина аранг кўринади, холос.⁵³

⁵³ Шоназаров Ш.Б. История изучения средневековых могильников Каршинского оазиса. УзМУ хабарлари. Махсус сон. 2011 й. Т., 49-54 бетлар.

XI—XIV асрлардаги мақбараларнинг ёғочли группаси уч бинодан иборат. Бунда икки дахма олдидаги йўлакча хизматини бажарадиган ўтиш йўли энг кичкинаси ҳисобланади. Бу жолда зиёратхона кичик, шу боисдан ҳам унинг қаторида, чамаси, XVI асрда марказий ҳовли ғарб тарафида ёзги масжид-айвон қад кўтарган. Зиёратхона билан бир неча дахмани бирлаштирадиган даҳлизли ягона бино солишнинг анчагина варианты XI—XVI асрлардаги мақбара қурилишларида маълум эди. Бу, комплекс мемориал бинолар қуришнинг янги услубини излаш даври эдики, ниҳоят у XIV асрнинг иккинчи ярмида ўзиинг композицион ҳал зтилншини топди (масалан, Шаҳрисабздаги Доруссаодат комплекси). Қарши районидаги қадимий турли хил мақбаралар изланишларнинг илк босқичининг намунасидир.

Касбидаги мақбаралар архитектурасида Фудина ва Қовчиндаги мақбараларнинг аллақачон бизга таниш бўлган шакли ва деталлари турли вариантларда кўзга ташланади; бунда пастки чор қирраликлар равоқ қаносларининг қатларидан тикка қилиб ажратиб қўйилган; деворларида кичик меҳробий учтадан тоқча ясаб, ҳатто улар оралиғида чироқлар учун тутун йўли ҳам қилинган. Равоқларнинг бурчак қўлтиқларида майда косали муқарнаслар бор, бу услуб XIV асрнинг биринчи ярмига хосдир. Майда ясси ғиштларга кўра улар анча олдинги даврда қурилган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Биринчи мақбара Саид Амир Шамсиддинбек ал Ҳожи Ҳайдарштки бўлиб, қабр устига қўйилган тўқ кул-ранг мармар сағанада унинг ҳижрий 897 йилда (1491 йилда) қўйилганлиги битиб қўйилган. Ўртадаги ҳовлининг шарқий томонида алоҳида турган мақбара ҳам, чамаси, XIV асрнинг бошларига оид бўлса керак.

Қишки масжид — мустақил равишда, ҳовлининг жанубий томонидан дахма бостирмасига туташтириб қурилган. Қалқонсимон йирик қаноси, равоқларнинг тартибсизлиги, ғишт девор ва шувоғининг пала-партишлиги бу масжид анча кейинроқ—XIII—XIX асрларда бино қилинганлигини

билдиради. Бинонинг ўрта қисми кенг ҳамда фасади бўйлаб ясси пештоқ ва орқа томондан тўғри бурчаги туртиб чиқарилиб қўйилган. Пастаккина гумбаз ясси қалқонсимон қанослар устида турибди. Девордаги ички токчаларнинг бурчаклари равоқ асосидан ясалган, қирралар билан безатилган токчалар эса XI—XII асрлардаги ёдгорликлар шаклига нисбат этилган. Содда, унча аниқ бўлмаган, баъзан аралаш шаклли бу масжид XVII асрдан бурунроқ қурилган дейишга имкон бермайди. Олд томондаги минора эса териб олинган эски ғиштлардан қурилган, улар орасида, Касбидаги вайрон бўлган иморатларнинг майда, ўрта асрга оид ғиштлири ҳам учрайди. Минора улкан эмас, танаси юқори қараб ингичкалашиб боради, тепасида муаззинхона бор. Бу ерда фонарнинг диаметри минора танасидан кичикроқ, бу XIX асрнинг охири—XX асрнинг бошларига хосдир. Унинг пастки қисми бир неча марта таъмир этилган. Бу масжид аслида Султон Мирҳайдар комплексидаги жума масжиди хизматини ўтаган дейиш мумкин, чунки Касби қишлоғидан 1—2 километр ғарб-роқда яна битта намозгоҳ масжид сақланиб қолган. Маҳаллий ривоятларга кўра, у 370 йил бурун, яъни XVI—XVII асрлар бўсағасида қурилган. Планга мувофиқ бино тўғри бурчакли, унинг бир-бирига ўтадиган беш гумбазли хоналари фасад олдидаги жуда кенг саҳнга қаратиб солинган. Гумбазларнинг асоси бېр хилда, ўртадаги хона бир оз кенгроқ ва меҳроб тахмони беш қиррали бўлиб, ташқарига туртиб чиққан. Масжиднинг енгил, ҳажмдор шакли, тузилиши ва безакларининг ўзига хослиги бу обида XVI—XVII асрларда бунёд этилган деб кўрсатишга имкон беради.

Хўжақарлик мақбараси У XI—XII асрларга тааллуқли бўлиб, хом ғиштдан қурилган икки дахманинг бирида, архаик беш қатор серқатлам қаносларда сақлаииб қолган икки гумбазли мақбарадир. Бошқаси—Қарши районидаги Ҳазрати Султондир, у Қашқадарё областидаги кўп хонали нодир мақбаралар сирасига киради, Дахманинг узунчоқ—қадимий қисми—Г-шаклига ўхшаш кенг равоқнинг йўлагидаги ғишт панжаралардан олинганлигини билдиради. Панжараларга эса XII асрдан —то XIX асрга қадар сопол жинчироқлар қўйилиб келинган. Йўлақлар гумбазли зпёратхонага олиб

боради, зиёратхона йўлаги билан ер остидаги учта сағанага тута-шади (бинонинг умумий ҳажми 21,35x7,6 м). Бино қуприлишида тўртбурчак ўйма ғиштлардан фойдаланилган, лекин ғўрхонанинг панжаралари XI—XII асрга оид ғўғри бурчакли ғиштлардан терилган. Шундай қилиб, мақбара асосан XI—XII асрларга тааллуқли бўлиб, XVI—XVIII асрларда қайта тикланган.

Хулоса

Қашқадарё воҳаси мазор ва қабристонларини комплекс ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, теран хулосалар чиқариш зарур бўлади. Ислом дини кириб келишидан аввал VII асргача ҳам юртимизда бой меъморчилик ва ҳунармандчилик анъаналари тараққий этиб, моддий маданият ҳар томонлама ривож топган. Минтақага ислом ёйилиши маҳаллий анъаналар исломий маданият билан уйғунлашган ҳолда юксалди. IX-XII асрларда меъморчиликнинг ажойиб ютуқлари масжид, мадрасалар қурилишида кўпроқ намоён бўлган, Масжид бинолари ёнида ҳашаматли минора ва хонақоҳ, уламо-ю авлиёларнинг мазорлари устига мақбаралар қурилган. Қашқадарё воҳасида ҳам бундай жойларда зиёрат қилувчиларнинг сони кўп бўлганлигидан махсус бинолар, хонақоҳлар ҳам барпо этилганлиги тарихий манбаларда баён этилган.

Воҳадаги муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланиши қадим даврлардан бошланиб, ўрта асрларда ҳам бу жараён давом этган. Зиёратгоҳлар билан боғлиқ анъаналар давр утиши билан трансформацияга, яъни ўзгаришларга учраб турган. Муқаддас зиёратгоҳларнинг шаклланишига маҳаллий халқнинг мифология олами, дунёқараши ва анъаналари, одатлари ҳамда зиёратгоҳларнинг географик муҳити ўз таъсирини ўтказиб турган.

Қашқадарё воҳасида жойлашган муқаддас зиёратгоҳларда дафн этилган маънавият алломалари ўзларининг инсонпарварлиги, ватанпарварлиги, илму маърифатга бағишланган бой ҳаётлари билан жаҳон маънавияти ривожига муносиб ҳисса қўшганлар. Бу бой мерос ёш авлодни юксак маънавий дунёқарашини шакллантиришда ва комил инсонни вояга етказишда муҳим рол уйнайди.

Қашқадарё воҳасидаги муқаддас зиёратгоҳларни тарихий-географик жойлашиши миллатнинг соғлом ривожланиши йўллари билан белгилаб олиш мақсадларига ҳам хизмат қилади. Юртимиз меъморчилиги иншоотларининг кўпчилиги лой ва хом ғиштдан қурилган бўлиб, фақат авлиёлар қадамжоларигина пишиқ ғишт билан бунёд этилган. Ушбу пишиқ ғиштлар

аҳоли ўзида ҳозиргача "мусулмон ғишт" деб юритилади ва бугун мазкур қурилиш ашёси сариқ лойдан тайёрланиб, махсус хумдонларда обдон пиширилган.

Муқаддас зиёратгоҳларнинг қурилиши асосан, IX-XII асрларда Қашкадарё воҳасида қўплаб қилганлиги ва вилоят буйича авлиё ва саҳобаларнинг номи билан боғлиқ мақбаралар асосан архелогик жихатдан чуқур илмий таҳлил этилганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Шундай қилиб, юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳлар, мақбаралар, кадамжолар ҳам диний, ҳам миллий қадриятлардан саналганлиги сабабли уларнинг диний-маърифий ва илмий-маънавий аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислом Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч. Т. 2008.
2. Каримов И.А. Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, 2006 йил 27 октябрь // Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15.- Т.: Ўзбекистон, 2007
3. Шаропов Ш., Меликов Б. Қашқадарё вилояти ҳудудидаги муқаддас зиёратгоҳларни ўрганишнинг бугунги аҳамияти. //Насаф ва Кеш тарихи манбаларда. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Қарши. 2010.
4. Райҳонов И. Қашқадарё воҳаси аҳолиси маънавий ҳаётида муқаддас зиёратгоҳларнинг ўрни. //Насаф ва Кеш тарихи манбаларда. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Қарши. 2010.
5. Кун А.А. Очерки Шахрисябского бекства. //Записки императорского Русского географического общества. СПб., 1886. Т.VI.
6. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбека.//Труды САГУ, Археология Средней Азии. – Т., САГУ, 1953.
7. Засыпкин Б.Н. Архитектурные памятники Средней Азии.//Проблемы исследования и реставрации.-М., 1928.
8. Семенов А.А. Материальные памятники иранской культуры в Средней Азии. Сталинабад. Дониш. 1944.
9. Массон М.Е., Пугаченкова Г.А. Шахрисабз при Тимуре и Улугбека.//Труды САГУ, Археология Средней Азии. – Т., САГУ, 1953.
- 10.Аминов Б., Бабаджанов Б. Погребальная эпиграфика комплексов Гумбази-Сайидон и Хазрати Имам (г.Шахрисабз) //Ўзбекистон қадимда ва урта асрларда. Маърузалар баёни.-Самарқанд. 1992.
- 11.Маньковская Л.Ю. Архитектурные памятники Кашкадарьи.-Т.: Узбекистан. 1971.

- 12.Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша.//Труды САГУ. Археология Средней Азии.-Т., Вып. VII. 1966..
- 13.Абдуасулев Р.Р., Ремпель Л.И. Неизвестные памятники архитектуры бассейна Кашкадарьи. //Искусство зодчих Узбекистана. – Т., 1962.
- 14.Аминов Б.Б. Жанубий Ўзбекистон эпиграфик ёдгорликлари тарихий манба сифатида (XV-XX асрлар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. 1998.
- 15.Бабаджанов Б.М. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма. //Из истории суфизма.-Т.,1991. С.90.
- 16.Аминов Б. Жанубий Ўзбекистон эпиграфик ёдгорликлари тарихий манба сифатида. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация. Т.1998.
- 17.Шоназаров Ш.Б. Отчет о эпиграфических памятниках Каршинского оазиса осенью 2001 (с 8 октября по 20 октября). Т., 2001.
- 18.Шоназаров Ш.Б. Классификация надгробных камней XV-XIX вв. (по материалам Каршинского оазиса). //Узбекистон тарихи. I. Ташкент, “Фан”. 2003.
- 19.Бичурин Н. Я. Собрания сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М-Л., 1950. С. 76.
- 20.Аминов Б. Жанубий Ўзбекистон эпиграфик ёдгорликлари тарихий манба сифатида. Тарих фанлари номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация. Т.1998. 14 б.
- 21.Аминов Б., Бабаджанов Б. Погребальная эпиграфика комплексов Гумбази-Сайидон и Хазрати Имам (г.Шахрисабз) //Узбекистон қадимда ва урта асрларда. Маърузалар баёни.-Самарканд. 1992. С.95.
- 22.Массон М.Е. Катта Лангар в области средневекового Кеша.//Труды САГУ. Археология Средней Азии.-Т., Вып. VII. 1966. С.64.
- 23.Бабаджанов Б.М. Эпиграфические памятники мусульманских мазаров как источник по истории суфизма. //Из истории суфизма.-Т.,1991. С.90.

- 24.Шоназаров Ш.Б. ва б. Склепи-саган средневекового могильника Убайд Джаррах г. Карши. //“Ўзбекистонда археология ва этнология фанларининг тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция. Т. 2012.
- 25.Шоназаров Ш.Б. К некоторым архаическим обрядам на средневековых могильниках Каршинского оазиса //Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари (4 май 2011 йил). Т.2011. 15-20 бетлар.
- 26.Шоназаров Ш.Б. История изучения средневековых могильников Каршинского оазиса. УзМУ хабарлари. Махсус сон. 2011 й. Т.
- 27.Шоназаров Ш.Б. Қўрғонча хонақоҳ масжиди қабртош лавҳи. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Ўзбекистон Миллий университети археология кафедрасининг 70 йиллигига бағишланган илмий анжуманига йўлланган маърузалар тўплами. Тошкент, 2010 й.
- 28.Убайдулла Уватов.Абу –л Муъийн ан-Насафий (ҳаёти ва мероси).Тошкент”Маънавият”, 2003.
- 29.Худуд ул-олам (Мовароуннаҳр тавсифи). Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи Омонулло Бўриев, Тошкент.:О‘ЗБЕКISTON,2008.
- 30.Абдусаттор Жуманазар.Насаф. Т.:Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,2007.-204 б.
- 31.Мавлонов Ў.М.Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. Т.:Академия, 2008.
- 32.Шоназаров Ш.Б. Эволюция погребальных традиций Нахшаба и могильник Мазари Мир. //Археология Узбекистана. №1. Самарканд, 2010 г.
- 33.Шоназаров Ш.Б. и др. Абу Саъд ас-Самъонийнинг «Ал-ансоб» («Насабнома») асарида Қашқадарё воҳаси тавсифи. Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти анъаналари. Ўзбекистон Миллий

- университети археология кафедрасининг 70 йиллигига бағишланган илмий анжуманига йўлланган маърузалар тўплами. Тошкент, 2010 й.
- 34.Шоназаров Ш.Б. О средневековых мазарах и могильниках Каршинского оазиса. Насаф ва Кеш тарихи манбаларда Республика илмий-амалий конференция. Қарши, 2010 йил 28 май.
- 35.Шоназаров Ш.Б. Позднесредневековые намогильные плиты Каршинского оазиса и их аналогии в Казахстане. Маргулановские чтения – 2011 // Материалы международной археологической конференции. Астана. 2011.
- 36.Шоназаров Ш.Б. История изучения средневековых могильников Каршинского оазиса. УзМУ хабарлари. Махсус сон. 2011 й. Т.

ИЛОВА



“Етти туғ” қабристониға кириш дарвозаси. Потрон қишлоғи.



“Етти туғ” қабристони. “Етти туғ” мақбараси. Умумий кўриниши.
Потрон қишлоғи.



“Етти туғ” қабристони. Мақбара ичидаги “Мир Сайид Хусайн” қабри.
Потрон қишлоғи.



“Етти туғ” қабристони. Мақбара ичидаги қабрларни жойлашув тартиби.
Потрон қишлоғи.



Замонавий қайта қурилган масжид. Умумий кўриниши. Потрон қишлоғи.



“Етти туғ” қабристони. Умумий кўриниши. Потрон қишлоғи.



Ўзбекистон Миллий университети Археология кафедраси ходимлари проф. Р.Х. Сулейманов, Ш.Б. Шоназаров ва кафедра битирувчи талабалари Анвармирзо, А. Баротовлар археологик кузатув вақтида. “Етти туғ” қабристони. Умумий кўриниши. Потрон қишлоғи.



Имом Муин комплекси



Хусом ота комплекси. Пештоқдаги мармар лавҳ.





Хусом ота мақбараси.





Султон Мир Ҳайдар комплекси.





Қўрғонча масжид. Қарши.

